Шу азиз Ватан — барчамизники!

Ишонч

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

● 26 январь 1996 йил, жума ● № 7 (253)

ЯНГИ ЕР ОСТИ ЙЎЛИ

Хуш хабарлар

Пойтахтнинг Олой бозори яқинида ерости йўли қурилиши жадал олиб борилмоқда. Унинг ишга туширилиши энг серқатнов кўчалардан бирида наклиёт ва одамлар юришини анча енгиллаштиради. Ерости йўли Амир Темур кўчасини 800 метргача кенгайтириб, уни Қодирий кўчаси билан туташтиради.

Сўнгги йилларда Тошкент кўчалари таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда: тор кўчалар ўрнида янги кенг йўллар бунёд этилмоқда. Шаҳар кўз ўнгимизда чирой очаяпти. Янги ерости йўли шаҳримизнинг Марказий қисмларидан бирига кўрк бағишлаб, мустақиллик кунига ишга тушади.

ЗАВОД ЮБИЛЕЙИ

Тошкент вагон таъмирлаш заводи — пойтахт трамвай-троллейбус саройининг ремонт базаси ўз юбилейини нишонлади. Тошкентда биринчи электр транспорт 1913 йилда пайдо бўлган. Ушанда Тошкент кўчаларида аҳоли кўз ўнгида кўнка-трамвайлар юра бошлаганди. 1940 йили таъмирлаш устахонаси вагон таъмирлаш корхонасига айлантирилди ва ҳозирги завод дунёга келди. Бугунги кунда вагон таъмирлаш заводи фақат барқарор ишлабгина қолмай, ишлаб чиқариш ҳажмларини салмоқли оширишга эришган корхонадир.

Яқинда завод юбилейига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Ишлаб чиқариш илғорлари — меҳнат фахрийлари ва ёшлар қимматли совғалар ва мукофотларга сазовор бўлдилар.

Ўз мухбиримиздан.

Воқеалар, хабарлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов франциялик таниқли тадбиркор Эндрю Гелфини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги муносабатлар, жумладан, иқтисодий ва маданий соҳадаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётгани, Франциянинг кўплаб машҳур фирма ва компаниялари республикамизда самарали фаолият кўрсатаётганини қайд этиб, ўзаро манфаатли алоқаларни янада равнақ топтириш борасида ҳали талай имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот учун ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш, тижорат банклари, корхоналар ва ташкилотларнинг тўлов интизомига риоя қилиш учун жавобгарлигини ошириш, ўзаро қарзларни қисқартиришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг тинчликни сақлаш, ҳозирги мураккаб сиёсий шароитда Ўзбекистонда миллий зиддиятларнинг олдини олиш борасидаги улкан хизматлари учун Фанлар, таълим, индустрия ва санъат Халқаро академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланди.

Ислом Каримовни самимий қутлаган академия президенти Михаил Бахмутский Ўзбекистон Республикаси Президенти Марказий Осиёда биринчи бўлиб бу Халқаро академиянинг фахрий аъзоси этиб сайланганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "1996 йилда пахта етиштириш ҳажмлари тўғрисида" ҳамда "1996 йилда бошоқли экинлар дони етиштириш ва харид қилиш ҳажмлари тўғрисида" Қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Навоий кон-металлургия комбинатини Ўзбекистон Республикаси Фахрий Ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида" ҳамда "Навоий кон-металлургия комбинатининг алоҳида ўрнак кўрсатган ишчи ва хизматчиларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида" Фармони эълон қилинди.



"Тоштекстиль" ҳиссадорлик жамияти учун 1995 йил иқтисодий жиҳатдан ўнгланиш ва ўсиш йили бўлиб қолди. Шу йили корхона режаларини барча кўрсаткичлар бўйича ошиғи билан бажаришга мувоффақ бўлди. Республикамизнинг энг йирик корхоналаридан бири ҳисобланадиган бу жамият томонидан ўтган йили жами 3 миллиард 455 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди.

Ҳозирги кунларда корхона махсулотлари Ҳамдўстлик мамлакатларига, Японияга ва бошқа кўплаб хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда. Бу ерда ўрнатилган янги ускуналар ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг сифатли ҳамда жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражада бўлишига ва ишчилар учун бир қанча қулайликлар яратилишига имкон беряпти.

Суратларда: 1. Корхонанинг илғор ип йигирувчиси Башорат Қўзиева.

2. Гул босиш цехи ишчиси Баходир Раҳимов.

А.Тўраев (ЎзА) туширган суратлар.

Иқтисодиёт янгиликлари

ДАСТЛАБКИ МАҲСУЛОТ

Мамлакат иқтисодиётида дадил ўзгаришлар кўзга ташланаяпти. Буни Жиззах вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Вилоят ҳудудида Маржонбулоқ олтин бойитиш фабрикаси, аккумулятор ва пластмасса заводлари, техникаларни таъмирлаш корхонаси, мебель фабрикаси фаолият кўрсатиб, Ватан қудратини оширишга хизмат қилмоқда.

Яқинда Жиззах шаҳрининг «Саноат мавзеси»да мамлакат машинасозлигида муҳим ўрин тутувчи механика қуюв заводи ишга тушди. Бу корхона қишлоқ хўжалик техникаларида, енгил автомобилларда кенг қўлланиладиган эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаради.

Янги корхонани «Жиззахчўлқурилиш» ҳамда Самарқанд шаҳридаги «Красний двигатель» ишлаб чиқариш бирлашмалари жамоаси бунёд этишди. Корхонада дастлабки маҳсулот — ер ости телефон йўллари, қудуқ ва зовурлар учун ишлатиладиган қопқоқлар тайёрланди. Улар «Жиззах механика қуюв заводи» тамғаси остида буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

Корхонада 5 та улкан печлар ўрнатилган. Бу печлар 50 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Эндиликда вилоят ҳудудидаги металл чиқиндилари Бекобод, Самарқанд шаҳарларига ташилмай тўғри Жиззах шаҳрига олиб келинади. Улар улкан печларда эритилиб, мамлакат машинасозлиги учун керакли эҳтиёт қисмларга айлантирилади.

Келгусида рангли металлар ҳам шу ерда қайта ишланади.

Алибой ЭРГАШЕВ,
«ИШОНЧ» МУХБИРИ.

БЕМИННАТ ЁРДАМ

Янгийўл туманидаги «Мавлоно» хусусий корхонаси ёрдамга муҳтож оилаларга беминнат ғамхўрлик қилиб келмоқда. Яқинда корхона жамоаси оилаларга беминнат ғамхўрлик қилиб келмоқда. Яқинда корхона жамоаси яна бир хайрли ишга қўл урди. «Халқобод» маҳалласига тўй-маъракалар учун мўлжалланган идиш-товоқ сотиб олишга маблағ ажратди.

Туман кенгаши депутати Қ. Раҳматуллаев раҳбарлик қилаётган мазкур корхона маҳалладаги шахсий уй-жойларнинг иситиш тармоқларини таъмирлашга ҳам яқиндан ёрдам бермоқда.

Х. МИРЗАЕВ.

ҲУҚУҚИЙ МАНФААТЛАР ЙЎЛИДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг саъй-ҳаракатлари туфайли кейинги пайтда унинг нуфузи ортиб бормоқда. Дарҳақиқат, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш борасида кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Касаба ташкилотларига бўлган ишонч ва эътиқод туйғусининг ошиб бораётганлигини уларга ёрдам сўраб мурожаат қилувчилар сони кўпаяётганлигидан ҳам кўриш мумкин.

Ўтган йилнинг 10 ойи мобайнида Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашига меҳнаткашлар 275 марта ёзма ҳамда 549 та оғзаки мурожаат қилдилар. Уларнинг асосий қисми ноҳақ ишдан бўшатиш ҳамда бошқа иш жойига ўтказиш тўғрисидадир. Бир мисол, Бухоро вилоятининг Қоракўл шаҳаридаги 5-сонли дорихонанинг раҳбари уни хусусийлаштириб олгач, ходимларни ишдан бўшатиб юбора бошлаган. Касаба ташкилотларининг ёрдамида ноқонуний бўшатилган ходимлар қайта ишга тикланди.

Айрим пайтларда судлов органлари ҳам ҳақиқатни тиклашга жалб этилмоқда. «Тошдавлаттабиат» қўмитаси раҳбарлари билан ҳам юқоридагидек воқеа содир бўлди. Улар қонунни қўпол равишда бузиб, ходим Н. Барзманни ноҳақ ишдан бўшатганлар. Бу борада ЎзКУФК нинг ҳуқуқий бўлими судга мурожаат этди ва масала ижобий ҳал этилди.

Шу жумладан агросаноат мажмуи, маданият муассасалари, маориф ва фан, коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг ходимларидан ҳам кўплаб хатлар келмоқда.

Барча ариза ҳамда оғзаки мурожаатлар ЎзКУФК, касаба уюшмалари тармоқ Марказий қўмиталари ҳамда вилоят касаба уюшмалари кенгашларининг ходимлари томонидан кўриб чиқилаяпти. Касаба юушмалари уларда кўтарилган масалаларни ўз вақтида ижобий ҳал этиш, шикоятчи талабини қондириш учун барча чораларни кўрмоқдалар.

Н. РАФИҚОВ.

Биржа хабарлари

Республика Агросаноат биржасида ўтган жума куни бўлган савдода истеъмол моллари ва товарлар 5466 хилни, улар уларнинг қиймати эса 226481426 сўмни ташкил этди. Биржа савдосида таклифлар сони ортиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги бўлимидан экин уруғлари ва қайта ишланган мева сабзавот маҳсулотлари кенг кўламда савдога қўйилди. Ускуна ва эҳтиёт қисмлар бўлимида молларнинг кўп қисмини қишлоқ хўжалиги шиналари, насослар ва экиш мавсуми учун зарур бўлган тракторлар ҳамда экиш жиҳозлари эгалладик.

Биржа савдосида брокерлар орасидаги рақобатчилик ўз самарасини бермоқда. Қайси брокер ўз молларининг нархини имкони борича арзонроқ эълон қилса, ана ўша брокер кўпроқ самарага эга бўлмоқда. Масалан, биржа товари бўлган рубероиднинг ҳар квадрат метри 26-29 сўм атрофида таклиф этилиши харидорлар ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Сув-газ қувурлари кам таклиф этилиши туфайли уларнинг нархи кўтарилди. Ўтган савдоларда бир тоннаси 36 минг сўм бўлган бўлса, бу гал 40 минг сўмдан ошиб кетди. Арматура ҳамда металл бурчакларнинг нархлари тоннаси 21-22 минг сўм даражасида турибди.

* * *

Республика қимматбаҳо қоғозлар биржасида сешанба куни бўлиб ўтган оддий акциялар савдосида 10 та ҳиссадорлик жамоалари қатнашди. Бу кунги савдода «Фарғонадонмаҳсулот» жамоасига омад кулиб боқди. Чунки уларнинг 52769 та оддий акциялари 1720 сўмдан сотилди, ва жами 90762680 сўмни ташкил этди. «Тахиаташагрохимсервис» акциялари 1000 сўмдан, Андижон «Билим» акциялари 500 сўмдан сотилди. Шу куни сотилган жами 59331 та оддий акциялар суммаси 96143440 сўмни ташкил этди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида бўлиб ўтган савдо ҳажми 21,38 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 36,30 сўм даражасида қайд этилди. Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш фаолиятларида сотиш ва харид қилиш қийматини мустақил ҳолда ўзлари белгилайдилар. Валютани аҳолидан харид қилишда воситачилик ҳақи олинмайди.

МАСЛАҲАТЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

Андижонда вилоят касаба уюшмалари кенгаши ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмиталарининг раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Бирлашма ва тармоқ қўмитасининг ўзаро ҳамкорлиги, бу ҳамкорликнинг иқтисодий самаралари ҳусусидаги масала йиғилиш кун тартибидан ўрин олди. Йиғилишда бирлашма раиси У. Оҳунов ва қўмита раиси А. Йўлдошевлар маъруза қилиб, тўпланган тажрибалар, вилоят ҳокимлиги билан ўрнатилган алоқалар, соҳадаги изланишлар таҳлилига кенг тўхталишди.

Маслаҳатли тўй тарқамас, деганларидек, мавжуд муаммоларни кўпчилик иштирокида ҳал қилишнинг аҳамияти катта. Бинобарин, бу галги йиғилиш ҳам кенг кўламлилиги билан ажралиб турди. Унда Андижон вилояти ҳокимлиги, барча тармоқ қўмиталари раислари, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси, Фарғона ва Наманган вилоятлари халқ таълими бўлими касаба уюшмаси қўмиталари раҳбар ходимлари иштирок этиб, кун тартибидаги масала юзасидан ўзаро фикрлашдилар.

З. ХЎЖАМБЕРДИЕВА.

«БИЗНЕС ФОНД» ВА ТАДБИРКОРЛИК

Эртага «Туркистон» саройида республика тадбиркорларининг 1995 йилги кўрик танлови якунларига бағишланган йиғилиш бўлади. Ғолиблар аниқланиб, совриндорларга мукофотлар топширилади. Анжуманда ҳамма вилоятлардан тадбиркорлар, ҳокимлар ва республика мутасадди идораларининг раҳбар ходимлари қатнашадилар.

Шу муносабат билан тадбиркорлар ҳаётини акс эттирувчи кўргазма очилади. Учрашув қатнашчилари, таклиф этилган меҳмонлар бу ерда иқтисодиётнинг турли соҳалари бўйича амалга оширилаётган ибратли ишлар билан танишадилар.

Маълумки, ҳозирги кунда шаҳар, вилоят ҳамда туманларда турли хил кичик ва хусусий корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Улар ишлаб чиқаришни ривожлантириб, истеъмол моллари ва саноат маҳсулотлари таъминотини яхшилаш, бозорларимиз тўкин-сочин, ҳаётимиз фаровон бўлиши учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Республикамизда яхши фаолият кўрсатаётган юзлаб корхоналар мавжуд. Айниқса, «Парвина», «Шуҳрат-ЛТД», «М.Бақоев»,«Роҳат»,«Ғижжак Бобурий» ва бошқаларнинг иш тажрибаси диққатга сазовор.

Бухородаги «Бақоев» кичик корхонаси тадбиркорлик ишларини яхши йўлга қўйган жамоалардан биридир. Корхона асосан талаб кучли бўлган камёб маҳсулот турини ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

Бу корхонада тайёрланаётган темир панжаралар буюртмачиларга манзур бўлмоқда. Уларни оддий панжара эмас, балки ўзига хос санъат намунаси, дейиш мумкин. Миллий шарқ услубида нақшланган панжараларда халқ ҳунармандчилиги анъаналари, усталарнинг ақл-заковати, юксак ва нозик дидн ўз ифодасини топган. Бошқача айтсақ, чиройли ва бежирим ишланган панжараларни кўрган одам маънавий озуқа олади. Шунинг учун ҳам 1995 йил давомида бу маҳсулотга талаб ниҳоятда катта бўлди. Чунончи, 9 ой давомида 10 миллион 398 минг сўмлик маҳсулот сотилган. Даромад ҳам шунга яраша. Олинган фойда эвазига корхона ўз фаолиятини йилдан-йилга кенгайтириб бормоқда. Қўшимча иш ўринлари яратилмоқда. 1993 йилда 20 киши ишлаган бўлса, 1995 йилда уларнинг сони 50 нафарга етди. Бу йил 100 кишига етказиш мўлжалланмоқда. Кичик корхонанинг иш ҳақи фонди 9 ойда 207 минг 100 сўмни ташкил этди. Демак, ҳар бир ходим ойига 4 минг сўмдан ортиқроқ маош олган. Буюртмачилар билан 1996 йил учун тузилган шартномага кўра бу йил 8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши керак. Корхонанинг имкониятлари катта, келажаги порлоқ. Чунки бозор шароитида бундай маҳсулотларга талаб ошиб бориши ўз-ўзидан маълум. «Бақоев» кичик корхонаси шу кунларда маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, янги технологияларни жорий этиш йўлида изланишлар олиб бормоқда. Республикамизда фойда олиб ишлаётган бундай корхоналарнинг кўпайиши иқтисодиётнинг ўсишига, мустаҳкамланишига, самарадор бўлишига ёрдамлашади. Натижада, мулк эгалари шаклланиб, кўпайиб боради.

Ана шундай кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантиришда «Бизнес фонд»нинг ҳиссаси ва хизмати каттадир. У ўз фаолиятини бозор шароити талаб-истакларидан келиб чиққан ҳолда турли йўналишларда олиб бориб, республикадаги ишбилармонларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаяпти. Ҳар йили «Ташаббус» кўрик-танловини ўтказишдан мақсад ҳам ўрта, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларга ўз имкониятларини намоён этишлари учун зарур шароитлар яратиб беришдан иборатдир.

Бундан ташқари, «Бизнес фонд» пул маблағларини кўпайтиришга интилмоқда. Фонд ўз акцияларини чиқариб сотаяпти. 1995 йилда 548 нафар ишбилармон ва тадбиркорларга 577,4 миллион сўмлик имтиёзли кредит берилди. Жойларда ишбилармонликка оид лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш учун худудий бошқармаларга 130 миллион сўм пул ўтказилди.

Шунингдек, Хоразм вилоятидаги «Паҳлавон Маҳмуд» фирмасига 1 миллион сўм миқдорида кредит берилди. Муйна ва теридан кийим-кечак, бош кийимлари ишлаб чиқарадиган корхона қурилиши поёнига етай деб қолди. Жиззах шаҳрида жойлашган «Ойбек» фирмаси ҳам 800 минг сўмлик кредит олди. Бу ерда «антифриз» ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Самарқанддаги «Сайёр» фирмасига 3 миллион сўмлик кредит берилди. Бу фирма шахсий меҳмонхоналар тармоғини кенгайтирмоқда. Андижондаги «Элмурод» фирмаси ҳам 5 миллион сўм миқдорида кредит олиб, пишиқ ғишт ишлаб чиқаришни бошлаб юборди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. «Бизнес фонд» ишбилармон ва тадбиркорларга фақат молиявий ёрдам бериш билан чекланиб қолмай қишлоқ жойларда саноат тармоқларини ривожлантириш, янги технологияларни жорий этишда ҳам ўз ҳиссасини қўшаяпти.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган, қадоқлайдиган кичик-кичик автоматик қурилмалар лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ҳозирги кунда кичик корхоналарга мўлжалланган ишлаб чиқариш технологиялари тайёрловчи 780 та фирма ва компаниялар фаолияти ўрганилиб, улар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилаётир. Канаданинг етакчи фирмаларидан бири билан қўшма фонд ташкил қилиш ҳусусида мулоқотлар олиб борилмоқда.

«Тасис» режаси асосида «Бозор муносабатларини ўрганиш» ва «Амалий ишлар маркази» ташкил қилинган. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бозор шароитида ишловчи кадрларни тайёрлаш ва уларни ўқитиш диққат марказида тутилаяпти. Республикамизда ишбилармонлик энди шаклланиб келмоқда. Бунинг учун молиявий ва ҳуқуқий замин мавжуд. Кичик бизнеснинг ривожланиши бозор муносабатларини чуқурлаштириш сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш, пировардида республикамизни жаҳон бозорига олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ўрта, кичик ва хусусий тадбиркорликни такомиллаштириш биз учун устивор йўналиш ҳисобланади. Шу маънода «Бизнес фонд» амалга ошираётган ибратли ишларни таъкидлаш ўринлидир. Зеро, халқимизнинг бугунги ижтимоий-иқтисодий манфаатлари мавжуд ички имкониятлардан самарали ва оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Шомаҳмуд ШОБИЛОЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

Касаба уюшмалари ва матбуот

АМАЛИЙЛИК, ИШЧАНЛИК

Касаба уюшмалари фаолиятини ёритишга ихтисослашган журналистларнинг биринчи республика маслаҳат кенгаши худди шу руҳда ўтди

Мустақил Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда касаба уюшмаларининг ўрни қандай? Улар ўз фаолиятларининг усул ва услубларини ҳозирги ўтиш босқичи, кўп укладли иқтисодиёт талабларига мутаносиб тарзда қайта ташкил этаётирлармиi?

Ўзбекистон касаба нашрлари ходимлари, оммавий ахборот воситаларида касаба ташкилотлари фаолиятини ёритишга ихтисослашган журналистларнинг шу йил 18-19 январь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган биринчи маслаҳат-кенгаши қатнашчилари ва шу сингари саволларга жавоб излаб, ҳозирги жўшқин ҳаётимиз кун тартибига қўяётган кўпгина масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар. У «Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар даврида касаба уюшмалари ва матбуот» мавзуига бағишланди. Маслаҳат-кенгаш ишида республика ва вилоятлар вақтли матбуот нашрлари, радио ва телевидение , ахборот агентлиги ижодкорлари, давлат бошқарув маҳкамаларининг масъул ходимлари, олимлар, касаба фаоллари иштирок этишди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раиси Ҳулкар Жамолов қисқача кириш нутқи сўзлаб, маслаҳат-кенгашни очди. Тошкент Молия-иқтисод олийгоҳининг проректори, профессор Аҳмаджон Ўлмасов «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотлар йўлида» мавзуида маъруза қилди. Бозор муносабатларига ўтишнинг ҳозирги босқичида келажаги буюк мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, — деди маърузачи, — Президентимиз И. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида чуқур таҳлил қилинган, бошқарув тизими, жамоатчилик ташкилотлари олдида турган вазифалар аниқ-равшан кўрсатиб берилган. Маърузачи мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштириш, халқ хўжалигини янги негизларида ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни батафсил ёритиб берди. Ижодкорлар жонли мулоқот мобайнида кўпгина масалаларни ойдинлаштириб олишди.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари, кўп укладли иқтисодиёт шароитларида касаба уюшмаларининг фаолияти янги хусусиятлар касб этмоқда. Улар таркибий ва ташкилий жиҳатдан янгиланиб, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этувчи ҳамда муҳофаза қилувчи ягона оммавий жамоат ташкилотига айланмоқдалар. Шу жиҳатдан Федерация кенгаши раиси, Ўзбекистон Олий Мажлисининг депутати Ҳулкар Жамоловнинг маърузаси маслаҳат-кенгаш иштирокчилари — оммавий ахборот ходимларида катта қизиқиш туғдирди.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўзининг дастлабки натижаларини намоён этмоқда, — деди маърузачи. — Демократик фуқаролик жамиятининг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий асослари мустаҳкамланиб бормоқда. Иқтисодиёт барқарорлашиб, миллий валютамиз мустаҳкамланмоқда, аҳоли кенг қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, маънавиятни тиклаш ишларининг кўлами кенгайиб бормоқда.

Ижтимоий ҳаёт ва меҳнат муносабатлари тизимида юз бераётган ўзгаришлар касаба уюшмаларининг янги шароитдаги ижтимоий ҳолатини белгилаб олишни тақозо этаётир. Унинг мақсадлари, фаолият йўналишлари ва усулларида мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз бераётир. Маърузачи ижодкорларни касаба уюшмалари ҳаракатининг ана шу янги жиҳатлари билан муфассал таништириб чиқди. Ўзбекистон касаба уюшмалари XV қурултойи қарорлари, қурултой қабул қилган Ҳаракат дастури асосида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, таркибий ўзгартиришлар уларда катта қизиқиш уйғотди.

Филология фанлари доктори Файзулла Муминов ўз маърузасида Президент И. А. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишида сўзлаган нутқида қайд қилинган камчиликларни бартараф этиш, оммавий ахборот воситалари чиқишларининг таъсирчанлигини кучайтириш масалаларига тўхталиб ўтди.

Кейинги йилларда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари касаба ташкилотларининг серқирра фаолиятини ёритишга эътиборни бирмунча кучайтирдилар. Касаба фаолларининг долзарб мавзуларга бағишланган бевосита мулоқотлари телетомошабинларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. «Касаба уюшмалари ва ижтимоий муҳофаза» туркумидаги радиоэшиттиришларда кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш, бозор муносабатлари шароитларида меҳнаткашларнинг кенг қатламлари манфаатларини муҳофаза қилиш мавзулари ёритиб берилмоқда. «Касаба уюшмалари ҳаёти», «Касаба ташкилотларидан ёзадилар», «Ижтимоий муҳофаза» — республика, вилоят, шаҳар ва туман газеталари саҳифаларидан тобора муҳим ўрин олиб бораётган рукилар шулар билангина чекланмайди.

— Федерация кенгашининг раёсати «Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари касаба уюшмалари кенгашларининг касаба ташкилотлари фаолиятини тарғиб этишда маҳаллий ахборот воситаларидан фойдаланиш тажрибалари ҳақида»ги масалани кўриб чиқди, — деди сўзини давом эттириб, «Касаба уюшмалари фаолияти ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар» мавзуида маъруза қилган Федерация кенгаши раисининг ўринбосари Зоиржон Қодиров. — Бу масала юзасидан қабул қилинган қарорда касаба ташкилотларининг тарғибот ишлари яхлит, узлуксиз тус олмаганлиги, кўпчилик тармоқ ва вилоят касаба ташкилотларининг ахборот воситалари билан амалий ҳамкорлик механизми йўқлиги таъкидланди. Касаба уюшмаларининг кенг миқёсдаги ишлари изчил, таъсирчан ёритилмаганлигининг сабаби шунда. Бошланғич ташкилотларнинг ишларини ёритиш айниқса суст. Бундай материалларда ҳаётдаги воқеалар юзаки баён этилади, чуқур таҳлил, жонли мушоҳада, тўла ошкоралик етишмайди. Меҳнат муносабатлари, фармонлар ва қонунлар бажарилишининг гоҳида зиддиятли ички жараёнлари очиб берилмайди.

Кейинги йилларда касаба нашрларининг яхлит тизими шаклланмоқда. Федерация кенгашининг «Хабарнома» амалий-услубий нашри, «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари чоп этилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида касаба уюшма газеталари чиқиб турибди. Тўғри, бу газеталар ғоят қийинчилик билан чиқаётганлигини биламиз, деди маърузачи, улар фидойи журналистларнинг саъйи-ҳаракати билан дунёга келаяпти. Лекин бу нашрларимиз йўналиши, мазмуни, мундарижасига талабчанлик сусайтирилишини асло билдирмайди. Хуллас, сизлар билан бугунги бошланган амалий фикр алишувларимиз ишни жонлантириш томонига бурилиш ясашига умидимиз катта.

Маслаҳат-кенгаш қатнашчилари, шунингдек, Тошкент вилоят ҳокимининг ўринбосари Абурашид Раҳмабоевнинг иқтисодий тараққиёт ва ижтимоий муҳофазалашни кучайтиришга оид битимларни бажаришда ҳокимлик билан касаба кенгашининг ҳамкорлиги, Тошкентдаги «Шарқ гули» ҳиссадорлар жамияти кенгашининг раиси Саида Ғаниеванинг ишчи ва хизматчиларнинг турмуш даражасини кўтаришда жамоа шартномаларининг роли ҳақидаги маърузаларини тинглашди. Федерация кенгаши Курортлар бошқармаси бош директорининг ўринбосари Насриддин Муродов мамлакатимизда меҳнаткашларни дам олдириш ва соғломлаштиришни ташкил этишда касаба уюшмалари масканларининг роли, бу ишни яхшилашга тўғаноқ бўлиб турган муаммолар ҳақида гапириб берди.

Маслаҳат-кенгаш қатнашчилари «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари ижодкорлари билан учрашишди. Бош муҳаррир Саидакром Саидвалиев таҳририятнинг ижодий режалари ҳақида гапириб берди.

Маслаҳат-кенгаш ўз ишини «Кўп укладли иқтисодиёт шароитида матбуот» мавзуига бағишланган «Давра суҳбати» билан якунлади. Юридик фанлар доктори Шуҳрат Рўзиназаров, Федерация кенгашининг бўлим мудири Абдурасул Абдуқаюмов, касаба уюшмалари Тошкент вилоят кенгашининг раиси Муҳайё Тўлаганова, Бухоро вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Шаҳодат Ихтиёрова ва бошқалар матбуот ходимлари олдида турган бугунги долзарб масалаларга алоҳида урғу беришди.

Маслаҳат-кенгаш Ўзбекистон Касаба уюшмалари барча бўғинларининг оммавий-ахборот воситалари билан бевосита алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган тавсиялар қабул қилди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Матбуот ва ахборот шўъбаси.

Ижтимоий ҳимоя

ЭЛИНИ ЎЙЛАГАН КАМ БЎЛМАС

«Заркент» — Тошлиқ туманидаги бақувват, пешқадам хўжаликлардан бири. Мана, бир неча йилдирки, унга ёш, табдиркор инсон Раҳматжон Қўшоқов етакчилик қилиб келади. Хўжалик идорасига етиб келганимизда соат тўққизлар чамаси эди. Ташқарида совуқ шабада эсиб турибди. Қабулхонага кирдик. Арз — шикоят билан келганлар кўп.

Урта бўйли, истараси иссиқ Фотимахон ая Раззоқовадан: «Сиз қайси масала бўйича раис қабулига кирмоқчисиз?» — деб сураганимизда опахон мақсадини шундай баён этди:

— Мен кўп болали онаман. Унта фарзандим бор. Уларни мустақил республикамизга фидойи инсонлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қилаяпман. Кўп болалаи онаман, деб қараб турганим йўқ. Йил ўн икки ой далада меҳнат қиламан. Қурт боқаман, ғўза чопаман, пахта тераман. Хуллас қўлимдан келганича хўжаликка ёрдам бераман. Уз навбатида хўжалик раҳбарлари, касабақўм раиси ҳам бизни ташкил қўйишгани йўқ. Қўлдан келганча ёрдамларини аяшмаяпти. Айниқса, мен раисимиз Раҳматжон Қўшоқовдан жуда мамнунман, чунки у кўп болали оналар, нигорон, етим-есирларга қўлдан келганича ғамхўрлик қилиб келаяпти. Отасига минг раҳбат. Мартабаси бундан ҳам улуғ бўлсин!

Уз миннатдорчилигини билдириб кетай деб келувдим...

Бундай дил сўзларини қабулхонада утирган бошқа отахон ва онахонлардан ҳам эшитдик. Бир оздан сўнг хонадан раиснинг узи чиқиб қолди. Ичкарига таклиф қилди. Бу ерда ҳам чамаси саккизўн нафар эркагу аёллар бор эди. Раис бизга қараб, «кечирасизлар» деди-ю, аризачилар билан суҳбатини давом эттирди. У ҳар бир отахон ва онахоннинг дардини диққат билан тинглар, иложи борича уларга ҳамдард, мададкор бўлишга ҳаракат қиларди. Хуллас, шу куни барча шикоятчилар рози бўлишиб, уйларига қайтишди...

Бозор иқтисодиетининг ҳозирги босқичида аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Буни дилдан ҳис қилган жамоа хўжалиги раҳбарлари эл манфаати йўлида диққатга сазовор ишларни амалга оширишмоқда.

Хўжаликда уруш ва меҳнат фахрийлари, пенсионерлар, якка-ёлғиз қариялар, ногиронлар ҳамда кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш буйича махсус дастур ишлаб чиқилган. Бу дастурни амалга оширишда касаба уюшмаси раиси Маҳмуджон Мамадалиевнинг хизмати катта бўлаётир. Мавжуд 917 та кам таъминланган оилаларга ойма-ой моддий кўмак бериб турилибди. Шу йилнинг узида Фотимахон Раззоқова, Арофатхон Ҳайдарова, Гулчеҳра Давронова каби 50 дан ортиқ кўп болали оналарга адресли, 40 та оилага моддий ёрдам кўрсатилди. 14 та оиланинг хонадони бепул газлаштирилди. 12 та оила уйлари эса қайта таъмирланди. Дафн маросимларини касаба қўм тўлиқ уз зиммасига олган. 30 га яқин кишига соғлиқларини мустаҳкамлаш учун санаторийларга бепул путёвкалар берилди. Бундан ташқари пахта йиғим-теримида қатнашган мактаб ўқувчилари хўжалик томонидан бепул иссиқ овқат билан таъминланди. Жамоа хўжалигига қарашли боғчаларда 120 нафар болалар тарбияланади. Боғчаларни уз вақтида озиқ-овқат маҳсулотлари билан маъминланади. Боғчаларни уз вақтида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ҳам касаба уюшма қумитаси ташаббускор.

Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройлик, дейди халқимиз. Бунинг замирида катта маъно бор. Хўжалик деҳқонлари бултур 1040 гектар ерга чигит экиб, гектаридан 32,2 центнердан, жами 3 минг 345 тонна пахта ҳосили етиштирилар. Ёки бу соҳадаги режа 110 фоизга уринланди. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга сотилди. Шунинг узидан 33 миллион сўм даромад олинди. Хўжалик ихтиёрида қоладиган пахта эвазига 450 тонна атрофида тола олиш, 16-18 миллион сўм даромад кўриш кутилаяпти. Хуллас, пахтачиликдан тушган ялпи даромад 50 миллион сўмни ташкил қилмоқда. Ана шу маблағ биринчи навбатда аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, жойларда қулай яшаш ва меҳнат шароитлари яратиш, қишлоқларни янада ободонлаштиришга сарфланади.

Хўжаликда 20 та қишлоқ бўлиб, уларнинг ҳусн-жамоли йилдан йилга қуркамлашиб бормоқда. Бу ҳудудда 17 минг 631 истиқомат қилади. Ҳозиргача 18 та қишлоқ тоза ичимлик суви, газ, электр энергияси билан тўлиқ таъминланган. Қалача ҳамда Дашт қишлоқлари газлаштирилиш арафасида. 1 та касалхона, 9 та ФАП, 3 та дорихона, 22 та қассобхона, 16 та новвойхона аҳолига хизмат кўрсатаяпти. Қишлоқларда 8 та ўрта мактаб бўлиб, уларда 3 минг 783 нафар ўқувчилар билим сирларини эгаллашаяпти. Шунингдек, 5 та доимий боғчаларга меҳнаткашларнинг 500 дан ортиқ фарзандлари жалб этилган. Улар тарбияси ва таъминотини яхшилашда Тухтабоев номли қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Зуҳрахон Ҳайитова астойдил елиб-югураяпти. Ана шундай халқпарвор, ташкилотчи инсонлар қанча кўпайса мустақил ватанимиз равнақига равнақ, бойлигига-бойлик қўшилаверади. Зеро, ҳар қандай галабанинг манбаи фидокорона меҳнат, аҳиллик ва интилувчанликдадир.

1996 йилга қадам қўйилди. Олдинда муҳим вазифалар турибди. «Заркент»ликлар бу йил янада катта режаларни кўзлашмоқда. Далаларни шудгорлаш ниҳоясига етди. Муминжон Тешабоев, Абдурасул Мамасидиқов, Маҳаммаджон Нажимов, Усмонали Ғофуров каби механизаторлар бу борада ўгит жамғаришга катта аҳамият берилмоқда.

Шунингдек, ерларни тартибга келтириш, ариқ-зовурларни тозалаш, шур ювиш ишлари жадаллик билан олиб бориляпти. Бу йил 700 гектар ерга кузги бошоқли дон экилган. Униб чиққан майсаларни парваришлашда Акбарқузи Орипов, Юсубжон Турсунов, Омонали Фозилов, Ёқубжон Абдукаримов каби галлакорларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти.

Бир сўз билан айттанда, хўжаликда уқиш палласи бўлишига қарамай, дала ишлари бир дақиқа тингани йўқ. «Заркент»ликлар янги йил мул ҳосилига ҳар томонлама пухта ҳозирлик қуришяпти. Қулай меҳнат шароити яратилганлиги, миришкор деҳқонлар уз вақтида моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб бораётганлиги ютуқларни кўпайтиришда муҳим омил бўлаётир.

А. ТЎХТАСИНОВ,
Фарғона.

Тадбиркорлар ҳақида ҳикоялар

ЧЎРНОҚАЛИК ЙИГИТ

Дўстлик масофа билмайди дейишади. Жуда тўғри гап. Ғайрат асли қозоғистонлик, лекин ўзбек йигити. Туркистон ўлкасининг Чўрноқ қишлоғида дунёга келган. Унинг отаси Абутолип ака ёш авлодга билим берган оддий ўқитувчиликдан то халқ маорифи бўлими мудирлигигача бўлган меҳнат фаолиятини босиб ўтганлардан. Абутолип ака тарбиялаб вояга етказган ўн фарзанднинг олти нафари уз падари бузрукворлари касбини эгаллашди.

Ғайрат Исмоилов эса оиладаги учинчи фарзанд. Унинг узидан катта икки опаси моҳир педагоглардир. Ғайрат эса, 1973 йили Тошкентга келиб, худди шу ерда политехника олийгоҳига ўқишга киради. 1976 йили Тошкент тепловоз-ремонт заводига ишга келади. Ғайрат қурилиш-таъмирлаш цехида бўёқчиликка қабул қилинади.

Ёш йигит узининг ниҳоятда дилкашлиги, одамлар қалбига йўл топа билиши билан узгалардан ажралиб турарди. Унинг эпчил, удли-шувли, чаққонлиги ҳам кузга ташланди. Ҳар бир ишга жон-дилидан ёпишиб ишлайдиган Ғайрат Исмоиловни заводда тезда таний бошлашди. Чунки очигини айтганда, бундай сергайрат узбек йигитлари заводда жуда кам эди. Заводга эса бундай йигитлар жуда-жуда зарур. Шунинг учун ҳам уни кўп ўтмай (5 йилдан кейин) турар-жойлардан фойдаланиш бўлимига бош муҳандис этиб тайинлашди. Чуртқесар, уз сўзининг устидан чиқадиган йигит ҳеч иккиланмай, дадиллик билан янги ишни бошлайди. Бу ерда фуқаролар билан муомала қилишни ўрнига қуярди. Худди шунинг учун ҳам шу ишга жалб қилишганди уни. Ғайрат бу ерда узлуксиз ўн йил бош муҳандис бўлиб ишлади. Кейин уни таъминот бўлимига гуруҳ раҳбари қилиб утказишади. Ҳар бир ернинг узига яраша мураккабликлари бор. Аммо ишдан қўрқмайдиган инсон учун ишнинг катта-кичиги бўлмайди. Ғайрат Исмоилов уз ишчилари билан муомала қилишда бошқаларга урнак бўларди даражада эди. Унинг бу феъл-атворини завод маъмурияти жуда яхши биларди. Яхши ишчини ҳамма ардоқлайди, деган гап бежиз айтилмаган. Шуниси қизиқки, транспортчилар билан муомала қилиш, ҳайдовчиларнинг дилидагини топиб гаплашиш жуда қийин масала. Худди шуни уйлаб, яна бир бора тарозуга солиб кўриб, уни орадан кўп утмай транспортцехи бошлигининг уринбосари этиб қўйишади.

Узбекистон узининг мустақиллигига эришгач, ҳамма зарурий хом ашё ёки маҳсулотларни чет эллардан ёки ҳамдўстлик мамлакатларидан меҳнат жамоалари узлари шартнома асосида олиб кела бошлашди. Бу эса сунгги пайтларда жуда қийин ишлардан биридир. Хоҳ бартер, маҳсулот айирбошлаш дейсизми, ёки бўлмаса нақд пулгами, ё бўлмаса ҳисоб-китоб тариқасида-ми барибир бу иш нозик бўлиб қолди. Бу ерда Ғайратга ўхшаш эпчил, ҳам гап, ҳам иш биладиган, узгалар билан тил топа оладиган одам керак. Худди шунинг учун ҳам Ғайрат Исмоиловни завод хўжалик ишлари мудирлигига қўйишди.

Завод асосан тепловозларни қозоқ дўстларимиздан олади. Уларни уз вақтида созлаб-таъмирлаб эгаларига топшириб келинади. Корхонага бирон детал керак бўлиб қолди дейлик. Уни ҳам бориб, қаердандир ундириб келиш шарт. Бўлмаса корхонанинг иши тўхтаб қолиши мумкин. Ғайрат эса ҳам қозоқ тилини ҳам узбек тилини мукаммал эгаллаган. Йўқни йўндириб кела олади. Шуларни ҳисобга олиб, уни 1994 йили шу ишга жалб этишди.

Ҳар ишни удда қила оладиган абжир, шиддаткор йигит Ғайрат Исмоиловнинг шу завод қўчоғида ишлаётганига қарийб 20 йил бўлди. У айни пайтда қирчиллама қирқ ёшга кирди. Унинг бир ўғил ва икки қизи бор. Оиласи тинч-омон. Унинг волидаси Моҳира ая эса 66 ёшдалар. Доимо уз фарзандларининг хотиржамлигини уйлаб, дуо қиладилар. Ҳа, ширингина оила бошлиги, ишчан йигит Ғайрат Исмоиловни касаба уюшмаси бир неча марта турли қимматбаҳо буюмлар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирлаган. Бу мукофотлар уз йўлига. Тадбиркорлик ва тиришқоқлик табиат ато этган ноёб туҳфадир.

АБДУСАТТОР БАҲОДИРОВ,
«Ўзтемирйўлмаштаъмир» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Касаба уюшма ҳаёти

ҒАМХЎРЛИКДА ГАП КЎП

Тезкор ва узгаришларга бой бўлган даврда яшаяпмиз. Бозор иқтисодиети муносабатлари одамларни бир қадар шошириб қўяётгани, аҳолининг муҳтож қатламлари учун қийинчилик туғдираётгани сир эмас. Юртнинг истиқболдаги тараққиетини таъминловчи халқ таълими ходимлари ҳам, минг афсуски, ҳозирги вақтда ижтимоий ҳимояга муҳтожлар.

Аҳолининг ана шу қатламига ҳар жиҳатдан кумак бериш мақсадида тармоқ касаба уюшмалари бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Таълим ва фан ходимлари Марказий қумитаси яқинда Фарғона водийси буйича бир неча кунлик ўқув анжуманини ташкил этди. Анжуман жараёнида вилоятлардаги ижтимоий аҳвол билан танишиш имконияти яратилди. Масалан Учқўрғон туманида амалга оширилаётган хайрли ишлар кўпчиликда қизиқиш уйготди. Маълум булишича, бу ердаги тижорат техникуми бир йилда 112 минг сўм, зиёли тадбиркорлар эса 789 минг сўм миқдорида даромад қилишга муваффақ булишган. Ана шу маблағ тумандаги кам даромадли, серфарзанд оилаларга, нафақахур ва ёлғиз яшовчи кишиларни ижтимоий ҳимоя қилишга сарфланди. Бундан ташқари туман ҳокимлигининг махсус қарори билан ҳар бир мактабга бир гектардан галла майдони тақсимлаб берилди. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят қумитаси раиси Комилжон Тулабоевнинг таъкидлашича, зиёлиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қуллаб-кувватлаш келажакда уз самарасини бериши табиийдир.

Наманган давлат дорилфунуни касаба уюшма қумитаси раиси Шермуҳаммад Бегматов анжуман иштирокчиларининг эътиборини бир муаммога қаратди. Маълумки, кўпгина талабалар ўқув юртларининг кундузги бўлимида таҳсил олишга шароити булмай, уқишни сиртқи бўлимга кучирадилар. Ана шу тоифа талабаларнинг шартнома асосида йилига 6600 сўм миқдорида бадал туловчилар гуруҳига киритилиши адолатдан эмас.

Ишлаётган нафақахурлар ҳақидаги янги ҳужжат ҳам бир қадар мунозараларга сабаб бўлди. Тан олиш керакки, ҳозирги вақтда мактабларда ишлаётганларнинг бир қисми нафақахурлар. Янги фармон эълон қилингандан сўнг, кўпгина устоз муаллимлар ишдан бушаш тўғрисида ариза топшираётгани тўғрисида Фарғона шаҳар халқ таълими касаба уюшмалари қумитаси раиси Муборак Қулдошева куюниб гапирди. Ёпларни «зиё масканлари»да ишлашга кенгроқ жалб қилиш учун ойлик маошларни ошириш лозимлиги таъкидланди.

Андижонда ташкил этилган ўқув анжумани узининг фикр ва мулоҳазаларга, таклиф ва амалий тажрибаларга бойлиги билан самарали утди.

Замира РЎЗИЕВА.



Яқинда Фарғона шаҳри марказида янги болалар ва ўсмирлар учун қурилган тиш даволаш шифохонаси иш бошлади. Бу ерда рентген, физиотерапия, жаррохлик ва даволаш каби бўлимлар мавжуд бўлиб, улар Россия ва Бразилиядан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Шифохонанинг 30 дан ортиқ малакали мутахассислари эса ҳар куни 200 га яқин беморга юқори даражали тиббий хизмат кўрсатаяптилар.

Суратда:янги шифо масканининг умумий кўриниши.

Ш. Олимов тасвирга туширган. (ЎЗА).

Бозор ва ижтимоий ҳимоя

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ — МУҲИМ МЕЗОН

Бундан уч йил муқаддам Узбекистонда биринчи булиб, Наманган вилоятида жамоатчилик асосидаги меҳнат муҳофазаси уюшмаси ташкил этилган эди. Хуш, унинг тақдири нима булди?

Албатта, ҳар қандай янгиликнинг ҳаётдан узига йул топиши осон кучмайди. Жумладан, бу нарсани биз ҳам уз фаолиятимизда синаб курдик. Уюшмани тузишдан мақсадимиз республикамизда ҳар соҳада қонун устиворлигини таъминлаш, кишиларда қонунга ҳурмат ҳиссини вужудга келтириш, шу йўналишда зарур тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга оширишдан иборатдир. Зероки, меҳнат муҳофазаси ижтимоий ҳимоялашнинг таркибий қисми булиб, шуро замонасида унинг талаблари аксар қоғозлагина бажарилар эди, холос. Биз ушбу соҳадаги ишларни ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқишни ҳаракатимизнинг асосий мезони деб белгилаганмиз. Уюшма 1992 йилда давлат рўйхатидан утказилиб ҳуқуқий ташкилот мақомини олгач, унинг атрофига бириккан 21 нафар жамоатчи фаоллар, жойлардаги мутахассислар ва раҳбарлар эътибори юқорида тилга олинган масалага қаратилди. Улар бу борадаги қонунлар ва курсатмаларга риоя этилиши устидан назорат олиб бормоқдалар.

Шу нарса қувончлики, сайъи ҳаракатларимиз ҳозирдаёқ узининг самарасини бермоқда. Вилоят саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, шунингдек ҳужаликларда меҳнат муҳофазасига аҳамият кучаймоқда. Буни утказилаётган текширишлар натижаси ҳам курсатиб турибди. Масалан, 1995 йилнинг учинчи чорагида кузган кечирилган 55 та корхона ва ташкилотда меҳнат муҳофазани қонунларидан чекиниш 150 тага камайганлиги аниқланди.

Уюшма бошқаруви йиғилишларида мавжуд камчиликлар атрофлича қуриб чиқилади, зарур чоралар белгиланади. Меҳнат муҳофазасига доир тадбирлар қандай бажарилаётганлигини назорат қилиб борамиз. Текширишлар давомида ижобий натижага эришмасак, уша ташкилот раҳбари ва мутахассислари бошқарув йиғилишига таклиф этилиб, муҳокама қилинади. Баъзан тегишли идораларга тақдимномалар киритилади.

Бундан ташқари, ишлаб чиқариш жараёнида жароҳатланганларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳам диққат марказида. Чунончи, утган йилнинг иккинчи ярмида жароҳатланган тўрт ишчи ижтимоий ҳимояга олинди. Бир ногиронга ва бир нафар марҳумнинг оиласига бахтсиз ҳодиса содир булганидан бери тўланмай келинган товон пули ундириб берилди.

Маълумки, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароити яратиш нафақат бугунги кишилар, балки келажак авлод учун ҳам узига хос ғамхўрликдир. Биз бу борадаги илгор тажрибаларни тарғиб этиш ва ҳорий қилиш билан бирга турли хил кичик корхоналар очяпмиз. Уюшмамиз фаолиятини таъминлашда кимгадир боқиманда булиш ёки давлатнинг қандайдир имтиёзларидан фойдаланишдан воз кечадиган пайт келди. Бошқачаси айтганда, уюшма учун моддий база яратишимиз керак. Олдимизга қўйилган эзгу ният — меҳнат муҳофазасини таъминлашда янги тизим пайдо қилиш билан бир қаторда ушбу жамоатчилик ташкилотини сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун тадбиркорликни танладик. Бир корхонамизда иш шароити хавфсизлигига эришиш йул-йуриқлари экспертиза қилиниб, уларни оммалаштиришга оид тарғибот воситалари тайёрланса, иккинчисида меҳнат муҳофазаси ҳимоя анжомлари ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, тармоқдаги кадрлар ўқитилиб, қайта тайёргарликдан утказилаяпти. Қолган участкаларимиз ҳам тегишли ишлаб чиқариш воситалари, махсус кийим-кечаклар ҳамда меҳнат хавфсизлиги воситалари тайёрлашга ихтисослаштирилган.

Жумладан, утган йили меҳнат муҳофазасига оид 200 дан зиёд рангли плакатлар, 40 минтга яқин турли йуриқномалар, меҳнат муҳофазаси қонунининг матни битилган 500 та рисола, бахтсиз ҳодисалар ва ижтимоий ҳимояга доир 300 га китобча нашр этилди. 100 жойда меҳнат хавфсизлиги буйича курслар ташкил қилинди.

Ишлаб чиқариш тармоқлари фаолиятида ҳам бир мунча силжишларга эришдик. Буюртма буйича 2 минтга яқин махсус кийимлар, 500 дона фуфайка, турли мақсадлар учун ишлатиладиган халатлар, махсус бош кийимлари, 5 минтга яқин қўлқоп, 300 дан ортиқ монтажчилар камари тайёрланди. Бундан ташқари, 30 та ҳужаликлар ва ташкилотнинг иш шароитлари экспертиза қилиниб, аниқланган носозликлар бартараф этилди.

Меҳнат муҳофазаси бу — давлат ижтимоий сиесатининг бир бўгинидир. Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш бошқа йуналишлар қаторида меҳнаткашларни, иш берувчиларни ва иш ташкил этувчиларни ўз касб-корларига, мансаб ва лавозимларига янгича, юксак маҳорат айни соҳадаги ўқув ва тайёрлов муассасалари фаолиятини тубдан қайта қуриш зарурлигини курсатмоқда. Биз шу талабдан малакали мутахассисларни жалб этдик.

Юқорида таъкидланганидек, ижтимоий ҳимоянинг бир бўгини меҳнат муҳофазаси ҳисобланар экан, бу борадаги талабларнинг бузилиши туфайли келиб чиқадиган бахтсиз ходисалардан сугурталаш эътибор марказида булиши лозим. Ҳозиргача 100 дан ортиқ корхона ва ташкилотлардаги 10 мингдан кўпроқ ишчи-хизматчиларни бахтсиз ходисалардан сугурта қилишга эришилди. Бу борадаги ишлар давом этирилаяпти. Мақсадимиз фаолиятимизни давр талаблари даражасида ташкил этиб, меҳнаткашлар ҳаёти ва сиҳат-саломатлигини кафолатли муҳофаза қилишдир.

Мирзараҳмат ОТАЖОНОВ,
Наманган вилояти меҳнат муҳофазаси уюшмаси бошқарувининг раиси.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИДА 1996 ЙИЛ 18 — 19 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ ЎТГАН КАСАБА УЮШМАЛАРИ НАШРЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА КАСАБА ҲАЁТИНИ ЁРИТУВЧИ ЖУРНАЛИСТЛАР МАСЛАҲАТ-КЕНГАШИНИНГ

ТАВСИЯЛАРИ

Мамлакатимиз сиесий, ижтимоий иқтисодий ўзгаришлар жараёнини бошдан кечирмоқда. Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар туфайли халқ хўжалигида турли укладли ишлаб чиқариш қуламлари кенгаймоқда. Маънавий-маданий турмушда туб ўзгаришлар содир бўлаётир.

Мана шуларнинг ҳаммаси касаба уюшмалари фаолиятига мутлақо янги талаблар қўймоқда. Узбекистон касаба уюшмаларининг XV қурултойи қабул қилган Устав ва Ҳаракат дастурида касаба уюшмаларининг янги шароитлардаги мақсад ва вазифалари белгилаб қўйилди. Ҳозирда барча бўғин касаба ташкилотларида иш усул ва услубларини қизғин қайта қуриш жараёни кечмоқда.

Шундай бир шароитда касаба ташкилотлари фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали тобора кенг ёритишнинг аҳамияти кучайиши табиий. Кейинги йилларда Узбекистон касаба уюшмаларининг «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари, «Хабарнома» услубий-амалий нашри, бир қатор вилоятларда ҳам газеталар чиқиши йўлга қўйилди. Республика ва маҳаллий радиоэшиттириш ва телекурсатувларда касаба уюшмалари ҳаракатининг ташкилий-амалий мавзулари тобора кўпроқ ўрин эгалламоқда.

Касаба уюшмалари вақтли нашрлари ходимлари ва касаба ҳаётини ёритувчи журналистлар республика маслаҳат-кенгашининг иштирокчилари касаба уюшмаларининг республика оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини кучайтириш мақсадларида қуйидагиларни тавсия қилади:

1. Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига:

республика оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, касаба ҳаёти мавзуида ёзувчи ижодкорларни касаба уюшмаларининг амалий фаолиятлари билан таништириб боришни назарда тутиб, улар учун матбуот конференциялари, брифинглар, тақдимотлар, «Давра суҳбатлари» утказиб бориш;

Узбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг шонли тарихи, унинг бугун шаклланиб бораётган кўп укладли иқтисодиет шароитида меҳнаткашларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилиш борасидаги мавқеини назарда тутиб, касаба ташкилотлари барча бўғинларида янги иш усулларини жоий этишда, касаба фаолларини юксак интизом руҳида тарбиялашда матбуотнинг ролини ҳисобга олиб, «Узбекистон касаба уюшмалари» ижтимоий, илмий-амалий бадиий журналини Республика матбуот ҳақидаги қонун асосида таъсис этиш;

касаба уюшмалари нашрлари ходимларининг олис ва яқин ҳорижий мамлакатлар касаба марказлари матбуоти ходимлари билан ижодий алоқаларини йўлга қўйиш, касаба ташкилотларининг амалий иш тажрибаларига тааллуқли материаллар ва махсус саҳифалар билан алмашиш, Марказий Осиё мамлакатлари касаба нашрлари ходимларининг минтақавий учрашувлари, семинарларини утказиб туриш;

касаба мавзуида ёзувчи журналистларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларни имтиёзли асосларда дам олдириш ва соғломлаштириш чораларини кўриш;

Узбекистон Журналистлар уюшмаси билан ҳамкорликда касаба ташкилотлари фаолиятини ёритишга бағишланган энг яхши материаллар учун танловлар ташкил этиш.

2. Федерация кенгаши матбуот ва ахборот шуъбасига:

«Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари, касаба уюшмаларининг бошқа матбуот нашрларида касаба ташкилотлари ҳаёти ва фаолиятининг долзарб муаммоларини мунтазам кўтариб чиқаётган журналистларни рағбатлантириб бориш учун таклифлар киритиш;

республика ва вилоят газеталари, радио ва телевидениеда касаба ташкилотлари фаолиятини ёритишга бағишланган материалларни мунтазам таҳлил қилиб, умумлашма обзорлар тайёрлаш, бу ишни яхшилаш юзасидан таҳририятлар билан кундалик алоқада бўлиш;

матбуотчиларни касаба ҳаётига оид материаллар, маълумотномалар билан мунтазам таъминлаш чораларини кўриш.

3. Касаба уюшмалари тармоқ марказий қумиталарига:

узлари ҳаммуассисликда чоп этаётган, шунингдек тегишли тармоқ корхоналари ва муассасаларида чиқиб турган вақтли матбуот нашрлари саҳифаларида касаба ташкилотлари фаолияти изчил, чуқур ва ўқишли ёритилиши учун тегишли чораларни кўриш;

тармоқ ва кўпнусхали матбуот нашрлари ходимларининг моддий-маиший аҳволини, уй-жой шароитини яхшилаб бориш;

вақтли матбуот нашрлари ходимларининг ўқувлари, маслаҳатлашувлари, слетларини утказиб туриш;

тармоқ муаммоларини малакали ёритганлиги учун энг фаол ижодий ходимларни рағбатлантириш;

энг яхши журналистик ишларни Узбекистон касаба уюшмаларининг йиллик мукофотларига тавсия этиш;

4. Касаба уюшмаларининг вилоят кенгашларига:

вилоят, туман газеталари, корхона ва муассасаларнинг кўп нусхали газеталари саҳифаларида касаба ташкилотлари фаолиятини ёритишни яхшилаш мақсадида тематик танловлар утказиш, номли мукофотлар таъсис этиш;

вақти-вақти билан вилоят журналистларининг семинарларини утказиш ёки шундай семинарларда иштирок этиш;

оммавий ахборот воситалари ходимларини вилоят касаба ташкилотлари амалга ошираётган жорий ишлар билан таништириб бориш, уларни турли ахборотномалар, материаллар билан таъминлаш;

касаба нашрлари уқишли чиқиши, долзарб муаммолар кутарилишини таъминлаш мақсадида ижодкорлар малакасини ошириш, таҳририятларни ишчан, қобилиятли, иқтидорли журналист кадрлар билан мустаҳкамлаш;

ҳозирги шароитдан келиб чиқиб, имкони булган ҳолларда матбуот маркази ишини қайта тиклаш.

Ишончимиз комилки, бу тадбирлар оммавий ахборот воситаларини касаба уюшмаларига яқинлаштиради, тарғибот ишини жонлаштиришда қулли омил булиб ҳизмат қилади.

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ, ЮНУСЖОН!

Андижон қишлоқ ҳужалик олийгоҳининг автосаройида иш юринлари қисқарадиган бўлдию, автосарой бошлиғи кекса ҳайдовчи Салоҳиддин ака Мусаевни уз хонасига чақирди:

— Салоҳиддин ака, Сизни яхши биламиз, кўп болали одамсиз. Яхши ишлаб келяпсиз. Қадрдон бўлиб қолганмиз, ҳурматингиз ҳам баланд. Лекин очиқ айтмай иложим йўқ. Гаражимизда бир нечта штатларни қисқартириш керак экан. Шунинг биттасига сизни мулжаллаб турибмиз.

Кутилмаган бу гапдан ҳайдовчи гангиб қолди:

— Яна бир йилдан кейин узим пенсияга чиқиб кетмоқчи эдим. Буёғи қизиқ тушдику-а?

— Тўғри. Лекин ректорнинг буйруғи-да, иложимиз қанча, ака. Бундоқ қилайлик, Салоҳиддин ака, штат қисқаргани учун деб эмас, осонроқ қилиб уз аризасига мувофиқ деб бўшата қолайлик.

— Майлингиз, нима ҳам дер эдим.

Ночор-ноилож қолган С. Мусаев шу ернинг узида ишдан озод қилишни сураб ариза езди, автосарой мудири бу аризанинг қондирилишига қарши эмаслигини билдириб имзо чекди. Олийгоҳ маъмурияти эса ҳайдовчининг ишдан озод қилиниши ҳақида буйруқ чиқарди.

Шундай қилиб, сих ҳам куймади, кабоб ҳам дегандай, Салоҳиддин ака штати қисқарган учун бушатилди деб эмас, ихтиёрий равишда бушаган бўлди, автосарой мудири ишнинг бегалва-беташвиш, силлиқкина кучганидан хурсанд, маъмурият эса иш жойларини қисғартириш юзасидан берилган топшириқнинг бажарилганидан мамнун.

Лекин шахмат тахтасидаги бу «от юриш»дан олийгоҳ уқитувчи ва ходимлар касаба уюшма қумитаси ҳабардор бўлди-ю, ишлар батамом бошқача тус олди. Касаба қумитаси раиси Юнусжон Қосимов бу ишни қонунга хилоф деб баҳолаб, ректорнинг оддига кирди ва автосарой мудирининг адолатсизликка йул қуйганини, касаба уюшма ташкилоти бунга бефарқ қарай олмаслигини айтди.

— Нега энди адолатсизлик бўлсин? Ахир ишчи ёки ходим агар штат қисқариш туфайли ишдан бушашни хоҳламаса, уз аризасига мувофиқ бушашга ҳақли-ку.

— Ҳа, ҳақли албатта. Лекин Салоҳиддин акага бунинг моддий томонини тушунтиришмаган-да. Уз аризаси билан бушаган киши ишлаган даври учун берган ҳақларини олиб кетаверади. Бунинг устига агар 2 ой ичида ишга кирмаса, стаж давомийлигидан ҳам маҳрум булади. Штат қисқариши туфайли ишдан озод этилган кишига эса қушимча 3 ойлик маош туланади ва стажи ҳам шу ойлар ичида давом этади. Агар Салоҳиддин ака бундан хабардор булганда, менимча ариза ёзмасди. Чунки унинг оиласи анчайин огир аҳволда яшайди.

— Узи билан гаплашиб курдингизми?

— Гаплашдим. Бунақа имтиёзлардан батамом хабарсиз экан, афсусланди.

— Хўш, нима қилайин энди? — суради ректор.

— Аризадан тортиб, сизнинг буйругингизгача ҳаммасини бекор қилишга тўғри келади.

Ректор бироз уйланди-ю, рост айтяпсиз, қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, — дедида, касаба қумитасининг талабига рози булди.

Биз яқинда олийгоҳ касаба қумитасининг раиси Юнусжон Қосимов билан суҳбатлашиб утирганимизда, хонага Салоҳиддин ака кириб келди.

— Мана, Юнусжон, сизнинг саъй-ҳаракатингиз билан икки ярим минг сумга эга бўлдим. Узиям пулга жуда зориқиб турувдим. Катта ҳиммат кўрсатдингиз, ука, кам бўлманг, — деди у ич-ичидан жушиб чиқаётган миннатдорлик туйғуларини яширолмай.

Салоҳиддин ака қуюқ дуо қилиб чиқиб кетди. Эшик ёпилгач, Юнусжон узича гапириб қолди:

— Миннатдорликни менга эмас, меҳнат кишисининг ижтимоий ҳимояси асосига қурилган янги қонунларимизга айтиш керак. Бизни эса отахон танқид қилиши лозим эди. Чунки меҳнат қонунини, ҳар бир ишчи-хизматчининг ҳақ-ҳуқуқини одамларга яхши тушунтириб беролмаяпмиз. Агар ҳар ким бу қонун-қоидалардан яхши хабардор бўлганда, автосарой мудири уз аризаси билан ишдан бушашни таклиф этмаган, Салоҳиддин ака аризани ёзмаган, шу ердаги бизнинг касаба уюшма бошланғич ташкилоти бунга томошабинлик қилмаган бўларди...

... Ҳа, бу касаба уюшма қумитаси раиси мутлақо ҳақ.

М. АБДУКАРИМОВ.
Андижон ш., Навоий шоҳ кўчаси 32, вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси.

«Ишонч»нинг иқтисодий луғати

РЕАЛ (ҳақиқий) иш ҳақи — ишчи учун керак бўлган товарлар ва хизматларда ифодаланган иш ҳақи бўлиб, унинг ҳажми ана шу товарлар ва хизматларнинг нархига нг ҳажми ўзгармасдан, ишчи учун керак бўлган товарлар ва бўлади. Ва аксинча, агар пулда ифодаланган иш ҳақи қараганда товарлар ва хизматларнинг бозордаги нархи тезроқ кўпроқ ошса, унда ишчининг реал (ҳақиқий) иш ҳақи пасаяди. Шундай қилиб ишчининг реал иш ҳақи унинг номинал иш ҳақига ва товарларнинг, хизматларнинг нархига боғлиқдир. Реал иш ҳақи меҳнаткашларнинг ҳақиқий ҳаёт даражасини билдиради.

* * *

НОМИНАЛ ИШ ҲАҚИ — Ишчининг маълум бир ишни бажарганлиги учун пул шаклида туланадиган ҳақ бўлиб, бу ришини ҳисобга олмайди. Тирикчилик воситаларининг ўзга-баҳоси барқарор бўлиб, номинал иш ҳақи ошса, унда аҳолининг турмуш даражаси яхшиланади, акс ҳолда па-билдирмайди. Шунинг учун реал (ҳақиқий) иш ҳақини ҳисоблаш керак.

Машриқзамин дарғалари

МАШҲУР ҚОМУСЧИ

Ўрта Осиёлик машҳур қомусчи Маҳмуд ибн Вали ноёб маълумотларга бой асарлари билан маданиятимиз равнақида муносиб ўрин тутади...

Маҳмуд Ибн Вали 1594 йили таваллуд топган, рихлат этган йиллари номаълум. Унинг отаси Амир Муҳаммад Вали Наманганга қарашли Косонсой туманида йирик заминдор оиласида дунёга келган. Кейинчалик Шайбонийларга қарашли Балх шаҳрига кўчиб келиб, ўша ерда турғун бўлиб қолган. Билим доираси жуда кенг бўлиб, «Мир Хислат» тахаллусида яхшигина шеърлар ёзган. Қонуншунос ҳамда ҳаким бўлган.

Маҳмуд ибн Вали ёшлигидан илм-фанга ҳавас қўйган. У Балхдаги мадрасани тугаллагач, ўз илмий дунёқарашларини кенгайтириш мақсадида саёҳатга қатъий киришган. Ўрта Осиё, Афғонистон, Эрон, Туркия ҳамда барча араб мамлакатларига қилган кўп йиллик саёҳатларидан кейин 1625 йили яна савдо карвони билан Ҳиндистон музофотига сафар қилган. Сарандиб, Пешавор, Лаҳор, Деҳли, Агра, Тож-Маҳал, Галкон, Ҳайдаробод, Вижоянагар, Калкутта, Цейлон бўйлаб қилган машаққатли саёҳатлари давомида ўз кўзи билан кўрган, билган турли халқларнинг тарихи, урф-одатлари, ғаройиб афсоналари, диний маросимларини кундаликларига қайд этиб борган.

Шунингдек у Шарқий Туркистон, Тибет, Мўғулистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Дашти Қипчоқ, Аштархон (Астрахан) - Волга бўйларида турли шаҳарларнинг тарихи, жуғрофияси, этнографияси, ижтимоий-иқтисодий шароитларига доир ҳам кўпгина ҳужжатли маълумотларни келтиради. Кундаликларида шаҳар номларининг алифбо тартибида берилиши ундан қийналмай фойдаланиш имконини яратади. Улкан қомусчи олим Маҳмуд ибн Вали бирон-бир шаҳар ҳақида гапирар экан, аввало унинг тарихи, аҳолиси, табиати ва табиий шароитларига доир ҳамма ишончли маълумотларни ҳамда ривоятларни ҳам келтиради. У ана шундай саёҳатларда бўлиб қайтгандан кейин 1631 йили Балх ҳукмдори саройининг бош кутубхоначиси этиб тайинланган.

Маҳмуд ибн Вали кейинчалик яна саёҳатларини давом эттирган ва бу ҳақда юқоридагидай талай илмий қимматга эга маълумотларни ёзиб қолдирган. Олим битиклари яна шуниси билан ҳам қимматлики, унда жамланган манбаъларни биз Маҳмуд ибн Валига асрдош, замондош бўлган бошқа биронта тарихчининг асарларида такрор учратмаймиз.

Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Тошкент, Чигил, Бодғис, Бадахшон, Хуросон, Андижон, Ахсикат, Пскент, Косон, Тироз, Сайрам, Туркистон, Нахшоб, Кеш, Селенга, Термиз, Ўш, Ўзганд, Боласоғун, Уйғуристон, Мўғулистон, Қобул ва бошқа қатор кўпгина шаҳарлардаги халқларнинг турмуш шароитлари, урф-одатлари, маданий ҳамда иқтисодий аҳволини олим чуқур ўрганганi асарларида кўриниб туради. Шунингдек, жуғрофик, минерологик, табиат ва тиббиёт тарихига оид кўпгина масалалар бўйича ҳам қимматли маълумотлар топиш мумкин.

Маҳмуд ибн Вали полиз экинларидан бодинжон (бақлажон), сабзи ва бодринг, айниқса унинг «тарра» деб аталган навини кўп мақтайди, улардан тайёрланадиган таомларни ҳам кўрсатади. Бу ўринда бодинжондан ўша вақтларда қилинган овқат (салат) диққатта сазовордир. Бодинжон бир неча бўлакка бўлиниб, ярим соат тузли сувда тутилади, сўнг унга кунжут ёки майдаланган бодом сепиб истеъмол қилинади каби қимматли маълумотларни ўқиш мумкин. Мевали дарахтлардан ўрик, шафтоли, анор ва хурмоларнинг инсон саломатлигига фойдалилиги ҳам таъкидланади.

Олим битиклари асосида яратилган қомусий китобда таърифлаб ўтилган шаҳарлардаги машҳур сиймолар, илм-фаннинг беминнат, беназир дарғалари, устоз санъаткорлар ва бошқаларнинг табаррук номларини камоли ҳурмат билан кўрсатади. «Сирлар денгизи»да қайд этилган XVII аср ўрталаридаги Ўрта Осиё, хусусан, Мовароуннаҳр ва Хуросонда кечган муҳим тарихий сиёсий воқеаларнинг баёни ҳам унинг ижодий мероси қимматини янада оширган.

Ҳуллас, Маҳмуд ибн Вали ўз ижоди билан маданият, илму-фаннинг ривожига улкан ҳисса қўшган ва келажак авлодларга салмоқли мерос қолдирган, унутилмас туркийзабон сиймоларимиздандир.

ОЛИМ БИТИКЛАРИДА ТУРКИСТОН

«Баҳр ал-асрор» фи манокиб ал-аҳёр» қомусий асарида Туркистон ҳақида баёнлар.

«Туркистон поёнсиз кенгликлару, қир-адирларга, мўл-кўл яйловзорларга кўпгина қалъа шаҳарларга эга кўҳна заминдир...»

«Туҳфат ал-ғаройиб» асари муаллифининг кўрсатишича, бу ерларнинг шарқдан ғарбгача чўзилиб кетган қисми бешинчи, олтинчи, еттинчи иқлимларга киради. Унинг узунлиги Сайҳун дарёси қирғоғидан то Қорамурон дарёси қирғоқларигача бориб етади. Айни вақтларда бу ерлар Мўғулистон деб аталади... Қадимдан бу ерларнинг ҳаммаси Нуҳ пайғамбарнинг авлодидан бўлган «Туро» исмли подшоҳга қараган бўлиб, туркий ва қабилалар истиқомат қилган ялпи музофотлар ана шу подшоҳнинг «турк» исмли бобокалони номи билан «Туркистон» деб аталиб кетган. Ҳозирги Туркистон ерларидаги қадимги Сакси шаҳри Ясси деб аталган, Хўжа Аҳмад Яссавийнинг ватанидир... Эндиликда бу ерларни халифаи замон бўлмиш олий мақом ҳоқону ҳозиқ Имомқулихон номидан қозоқ султонлари бошқаради. Яна ўша қадимда Туркистон «Туркюрт» деб ҳам аталган экан. Улуғ саркарда ва ҳоқон султон Муҳаммад Ўзбекхон давридан бошлаб бу ерлар шу ҳоқон номини ўзлаштириб, абадийлаштирган...

Кўчманчи ўзбекларнинг асосий емаклари от гўшти ва ичмаклари от сутидан тайёрланган қимиздир. Улар доимий равишда бир-бирлари билан уришиб турганлар, бир-бирларини талаганлар. Жангда асир тушган киши ҳатто ўз яқин туғишгани бўлса ҳам у таомилга кўра, қулга айлантирилган...

...Туркистонга қарашли Сайҳун дарёси (Сирдарё) томонидаги бешинчи ва олтинчи иқлимга кирувчи шаҳарлардан бири Шошдир. Уни Чоч ҳам деб атайдилар. Бироқ айни даврларда Тошкент номи билан машҳур. Об-ҳавоси ёқимли. Жуда кўп туман ва қишлоқлар унга қарайди. Унинг тоғларида феруза, темир ва қалай чиқадиган конлар бор бўлишига қарамай, нечундир бу конларда иш олиб борилмайди. Шошнинг бошқа айрим тоғларида эса шундай бир хил тошлар учрайдики, оловда худди ўтиндай яхши ёнади, унинг кули ҳаддан ташқари оппоқ бўлади. Кир ювишда совун ва ишқор ўрнида ҳам ишлатилади...

Шоҳруҳия Шошнинг қалъа шаҳридир. Бу шаҳар Амир Темур Кўрагонийнинг ўғли Мирзо Шоҳруҳ шарафига қайта қад ростлаган. Қадимда бу шаҳар Фанокет деб аталган. Сайҳун дарёси унинг шундақ ёнгинасидан оқиб ўтганлиги учун дарёни ҳам «Шоҳруҳия дарёси» деб аташар экан.

...Шошнинг яна бир тумани Пискентдир. У ғоят ободонлашган кўпгина қишлоқ-овуллар, кенг поёнсиз мўл-кўл ҳосилдор майдонларга эга шаҳардир.

Хусусан, Шош Туркистон вилоятлари ичида энг улуғидир. У ерларда жаннатмисол боғ-роғлар, гулзорлар кўп. Дон экинларидан буғдой ва гуручлари айниқса машҳур. Қишлоқлари ҳосилдор ерлар бўлиб, сабзавотлари аъло даражалидир. Лолаи сарангун эса, Шошнинг дунё мўъжизаларидан бири саналади. У ердан луғат, тавсил ва фиқҳ илмида дунёга донги кетган олим, шайх Муҳаммад Қаффол аш-Шоший (X аср) етишиб чиққан».(«Қаффол» унинг тахаллуси бўлиб, қулф ясовчи деган маънони англатади.-Ҳ.З)

«Туркистонда яна «Занги тоғ» деган жой ҳам бўлиб, бу ерларда яшовчи туркий қабилалар ҳам ўзларини шу тоғ номидан келиб чиқиб «зангилар» деб аташар эканлар. У ерда олтин, кумуш конлари бор. Бу конлардан энг каттаси қўй калласидек, энг кичиги нўхатдек келадиган олтин, кумуш заҳиралари кўп. Бу конлар ҳамиша кишини ўзига оҳанграбодек тортиб туради. Ўша ерлардан ўтган одамлар, хусусан ерликлардан бирор кимса ҳеч нарса олмай қайтса, унинг оиласи вабо касалига мубтало бўлиб қоларкан. Борди-ю, ўша олтин ёки кумушдан ўз эҳтиёжларига ярашасини олиб қайтган кишилар бўлса, унда уларнинг оиласига ҳеч қандай касаллик, ёвуз кучлар даҳл этолмайдиган ғаройиб хусусият эга экан» деб ёзади.

Муаллиф Бухоро ҳақида ҳам тўхталиб шундай дейди:

«Бухоро - Мовароуннаҳр шаҳарларидан бири ва пойтахтдир. Кўпгина олимларнинг фикрича, бу шаҳар бешинчи иқлимга таъллуқли дейилади, лекин Мустовфий бу шаҳарни тўртинчи иқлимдаги Мовароуннаҳрга кирувчи энг машҳур ўлкалардан бири, деб ҳисоблайди. Аммо қандай бўлганда ҳам Бухоро таърифга сиғмайдиган иқбол юлдузли дин ва шариат қарор топган қуббатул ислом шаҳардир. Бу ер қадимдан суви ширин, ҳавоси латиф, ноз-неъматлари бисёр бўлиши билан зийнатланиб, то ҳозиргача уламою, фузалолар тоифасининг табаррук маскани бўлиб келган жойдир.

Муаллиф айтадики, Бухоро шундай шаҳарки, бундайи бутун иқлимда топилмайди. Бу ер одамлари ҳақиқатгўй, софдил, адолатпарвар, жасур, яхши хислатли, фасоҳат, балоғат, ширин сўз ва гўзал чеҳралиларнинг манбаи бўлиб келган. Агарчи мевалари аълодир: айниқса «кўк набот» қовуни ва «аличоқи» номли узумлари найинки Мовароуннаҳрда, балки, айрим хорижий мамлакатларда ҳам энг яхши ва лаззатли деб топилган...»

Асарда келтирилган Хоразм ҳақидаги манбалар ҳам худди шундай диққатга сазовордир: «Хоразм- бешинчи иқлимга жойлашган бепоён мамлакат, унинг пойтахти Урганчдир. Аммо қарийб йигирма йилдирки, Жайхун (Амударё) ундан узоқлашганлиги сабабли у ернинг аҳолиси мусаффо иқлили, янги пойтахт Хивага кўчиб кетганлар».

«Боғис-Ҳирот вилоятининг каттагина туманларидан бири бўлиб, майдони юз фарсаҳдан (бир фарсаҳ 7-8 км) ортиғроқ келади. Унда қишлоқ ва кентлар кўп. Бу туманда пистазор бўлиб, майдони бешу беш фарсаҳни ташкил этади. Хуросонликлар писта пишганда ўша ерга боришиб, истаганларича териб олишади... У ерда ёқимли шамол эсиб тургани учун ерликлар барҳайр (ҳайрли, ёқимли демакдир) деб ном берганлар...»«Хуросон ҳозирги замонда тўрт вилоятга бўлинган: Ҳирот, Нишопур, Балх ва Марв. Бу шаҳарларнинг ҳар бири бир вақтлар мустақил пойтахт бўлиб турган эди. Хуросон форсийча сўз бўлиб, Ҳурофтоб, осон-жой деган маънони билдиради».

«Ўша тоғда (Фарғона тоғида) ошиқ-маъшуқ каби бири эркак иккинчиси аёл қиёфасидаги бир ўсимлик ўсади. Уни ерликлар «Ябрухис ас-Санам» («Одам ўсимлиги») деб атайдилар. Яъни ошиқ - Ябрух, маъшуғи - Санам демакдир. Унинг хусусияти шундай, кимда ким бу ўсимликни тўғридан тўғри кесса, ўзи ўша зоҳотиёқ тил тортмай ўлади. Модомики, бу ўсимлик олатга қувват бағишлайди ҳамда инсон саломатлиги ва умрнинг узайишлигида ғоят бебаҳо шифобахш кучдир эгадир. Табиблар ниҳоятда эҳтиёткорлик билан уни суғуриб оладилар, бу ишни улар қуйидагича бажарадилар. Арқоннинг бир учини ҳайвоннинг қорнига, иккинчи учини эса ўсимлик бутасига боғлайдилар, сўнгра ҳайвонни қарама-қарши томонга қараб, токи ўсимлик куч орқали илдизи билан суғурилиб чиқмагунча ҳайдайдилар. Ўсимлик ердан илдизи билан олингани ҳамон эса ўша ҳайвоннинг ўзи ўлади...

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН

ОИЛА ДАВРАСИДА

Таниш чеҳралар

Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева.

ОНАМ

Юрагимга соғинч ютаман,
Унинг билан боғланган жоним.
Ҳар дам уни, ҳар он кутаман,
У томирда жўш урган қоним.

Усиз менга бу дунё ғариб,
Дийдорини қўмсайман ҳар вақт.
У юрмайди бахтин аҳтариб:
«Сенсан, — дейди, — Оллоҳ берган Бахт...»

ТЎРТЛИКЛАР

Йўлбарслар кичрайиб мушукка дўнди,
Тоғсиз бўри зоти кучукка дўнди.
Қўрқувдан қўрқоқнинг юзидаги хол,
Ишонинг, ишонманг, учуққа дўнди.

***

Дилимда дард— ишқ бор, давоси қани,
Тилимда қўшиғим бор, навоси қани?
Боғимда муаттар бир гул очилибди,
Бўйин таратар учун сабоси қани?

***

Эшикни терс ёпма, кироринг бордир,
Ерни қаттиқ тепма, юроринг бордир.
Ноҳақдан бировга бир сўз демагил,
Бир кун пойида бош ўроринг бордир.

***

Ортидан қувгандим, бахт тура қочди,
Ҳаёт ҳам аямай заҳрини сочди.
Қўлни силтаб, ўзни меҳнатга урдим,
Бахтнинг ўзи келиб, бағрини очди.

***

Кўзларингни чирт юмиб ёлғонни дўндирасан,
Нафсни тирилтириб, виждонни ўлдирасан.
Кўнглингда Аллоҳ учун жой қолдими, билмадим,
Ҳайҳот, уни гуноҳ-ла лиммо-лим тўлдирасан.

***

Энг яхши билганим шу: гуноҳдан савобим оз,
Берарга саволим кўп,топарга жавобим оз.
Ўткинчи дунё ғами билан оворадир дил,
Нотугал бир бандаман, Аллоҳга тавобим оз.

***

Гоҳ бир кунда тўртта фасл намоён,
Табиатга ярашади турланиш.
Аммо инсон турланганда,дўст — чаён
Бўлиб баъзан юрагингга урар ниш.

Туроб НИЁЗ.

Одамийлик сабоқлари

ИСРОФГАРЧИЛИК ЯРАТГАНГА ХУШ КЕЛМАС

Ислом таълимотида Аллоҳ таоло дунёдаги жамики нарсани яратганлари ичида энг мукаррами, азизи бўлган одамзот учун буюрганлиги таъкидланади. Яъни дунёдаги барча мавжудот, наботот олами ҳайвонлар инсон фаровонги учун хизмат қилиши Аллоҳнинг азалий иродасидир. Бундай улкан иноят эвазига ҳар бир мўъмин-мусулмон ўзининг холиқи, яратувчиси бўлган Аллоҳ таологагина ибодат қилишга буюрилади. Шу билан бирга мавжуд неъматларнинг қадрига етиб, уларни ортиқча исроф қилмасликка ҳам амр қилингандир. Бинобарин, ҳар бир инсон Аллоҳнинг берганига шукр қилиши, ҳаддидан ошмаслиги, тўнга келиб исрофгарчиликка йўл қўймаслиги лозим. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда: «Енглар, ичинглар ва исроф қилманглар, албатта. У (Аллоҳ) исрофгарчиликни ёқтирмайди», -деган.

Ҳозирги вақтинчалик етишмовчилик даврида ҳам бизда исрофгарчилик ҳаддан ташқари эканини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ, деб биламиз. Буларнинг ҳаммаси тўпланиб келиб, жамиятимизга зарар етказишини яхши тушуниб етмоғимиз керак. Аллоҳ таоло улуғ неъматларини инсонга инъом этиш билан бирга улардан қандоқ манфаатлар олиши йўлини ҳам кўрсатган. Ана шундай бебаҳо неъматлардан бири сув экани барчамизга аён. Қуръони карим сувга ҳаётнинг асосий унсури, деб қарайди. Тирикликни усиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу борада Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай дейди: «Барча тирик нарсани сувдан қилганмиз». Бошқа бир оятга эътибор беринг: «Барча жонзотни сувдан яратдик». Энди ана шундай улуғ неъматга бўлган ўз муносабатимизни ўйлаб кўрайлик. Жўмраклардан оқиб ётган сувга бепарво қарашимиз сир эмас. Ёки ариқ ва ҳовуз сувларига ифлос нарсаларни, ҳатто-ки аҳлатларни ташлашимиз инсофданми? Бу борадаги назоратнинг бўшлиги туфайли дарё, кўл, ариқ суви ифлосланаётганига, баъзи бирларининг қуриб қолаётганига гувоҳмиз. Ислом дини наздида, сув Аллоҳнинг улкан неъмати бўлиб, уни ифлос қилиш гуноҳдир. Ҳадиси шарифда ривоят қилинишича, бир куни Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи васаллам) таҳорат қилаётган Саъднинг ёнидан ўтаётиб: «Бу қандай исрофгарчилик, Саъд», дедилар. «Сувда ҳам исроф бўладими?» - деб сўрабди Саъд. Шунда Пайғамбаримиз «Оқиб турган дарёдан олсанг ҳам исроф бўлади»,-дедилар. Маълум-ки, ғусул ва таҳорат мусулмонларга вожиб амаллардандир. Шариат буюрган шундайин амалларда, исроф қилиш жоиз бўлмаса, ибодатдан бошқа ишларда сувни исроф қилиш, албатта мумкин эмас.

Маълумки, ислом дини ҳар бир соҳада ўртача йўл тутишга чақиради. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло биз мусулмонларни ейиш, ичиш, ҳайру-эҳсон қилишда ҳам ўртача бўлишга чақириб, ортиқча исрофгарчиликдан ва ўта зиқналикдан қайтаради. Аллоҳ таоло айтадики: «Эй одам болалари, ибодат вақтида зийнатланган ҳолда (яъни тоза либосда) бўлингиз, ҳамда хоҳлаганингизча еб-ичаверинглар, фақат исроф қилманглар. Зотан, у Аллоҳ Таоло исроф қилгувчи кимсаларни севмас».

Ҳозирги даврда кўпчилик биродарларимиз Ислом таълимотларини ва шариат аҳкомларини яхши билмаганликлари оқибатида баъзи маросимларни фарз деб, унга чандон эътибор билан қарайдиларки, гўё бутун мусулмончилик шундан иборатдек. Шариатда кўрсатилмаган хурофий одатлар-марҳумни йўқлаб пайшанбалик, якшанбалик, қирқлик номи билан катта-катта қозонларда ош дамлаш, кўплаб маҳаллалардан одам чақириш, дабдабали маросимлар ўтказишни қандай баҳоламоқ лозим? Шунингдек, хатна тўйи ниқоби остидаги зиёфатлар ва исрофгарчиликларни-чи? Исломда фарзандни хатна қилишга буюрилганлиги маълум, аммо ушбу муносабат билан тўй қилиш, кураш бериш ёки бошқа ортиқча харажатлар қилиш шариатимизда кўрсатилмаган. Афсуслар бўлсин-ки, мусулмонларимизнинг кўпчилиги тўплаган молу-дунёсини ўзига ҳам, фарзандларига ҳам сарфламай, уларга тузукроқ едириб-ичирмай, ношаръий маросимлар ўтказишдек ёмон одатга мубтало бўлган. Бу хурофотдан бошқа нарса эмас. Ваҳоланки, Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадиси шарифларида айтадиларки: «Кимда-ким молу-дунёси бўлса, аввало ўзига, сўнгра аҳлу аёлига ишлатсун ва ундан ортса бошқаларга эҳсон қилсун». Яна бир ҳадисларида: «Садақа ва эҳсоннинг яхшироғи шундай эҳсонки, ундан кейин эҳсон қилувчининг ўзига етарли молу дунёси қолсин», деганлар. Яъни, ҳайру эҳсон қиламан, деб инсон барча молу дунёсини сарфлаб юбориши шариат нуқтаи назаридан тўғри эмас. Зеро, исрофгарчилик шайтоннинг йўлидир. Аллоҳ таоло барчамизни шариатимиз кўрсатмаларига риоя қилиб, исрофгарчиликдан сақланишга муширраф айласун.

Зоҳиджон ОТАХОН ўғли,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг Халқаро алоқалар бўлими мудири.

Мамлакатлар, одамлар, одатлар

ҲОҲ ИШОНИНГ, ҲОҲ ИШОНМАНГ

Ҳиндистон том маъноси билан мўъжизалар ўлкасидир. Бу ердаги қадимий йогалар ҳақида ҳар хил фикрлар мавжуд. Кўпчилик улар билан қизиқади, албатта.

Санскрит тилидаги «йога» сўзи - «ўз диққатини тўплай олиш», «ўзини мажбур этиш»,»фойдаланиш,татбиқ этиш» каби маъноларни билдиради. Бошқача айтганда, «йога»лар ўз-ўзини мушоҳада қилиш, ўз фикри-ҳаёлини жиловлаш йўли билан «илоҳий кучларни эгаллаш» мумкин, деб ҳисоблайдиган кишилар тоифасидир.

Йогани фалсафий одоб-аҳлоқ таълимоти ёки физиотерапия дейилса тўғрироқ бўлади. Қадимий ҳинд файласуфи Патанжалининг «Йога сутра» асари ҳозир ҳам йогалар ҳақидаги асосий йўлланма ҳисобланади.

Йога назариясидан асосий мақсад турли хасталиклар ва руҳий тебранишлардан ҳоли бўлган соғлом инсонни камол топдиришдир. Ҳиндистонда бир неча йогатерапия (йогамуолажа) клиникалар мавжуд бўлиб, хилма-хил хасталикларни даволашда ажойиб муваффақиятларга эришилмоқда.

Биз Агра шаҳридаги «Ҳулидан-Инн» мусофирхонасида истиқомат қилиб турганимизда биринчи қаватдаги кичик зал (мажлислар хонаси)га таклиф этишди. Бу ерда «Ўзбекистонлик сайёҳлар учун махсус жой ҳозирланган экан. Бизни тахминан 23-25 ёшлар чамасидаги бир йигит-йога-сеҳргар кутиб олди.

Сеҳргар (иллюзионист) бизга ўз ҳунарини кўрсата бошлади. У таъзим бажо этиб, саломлашгандан кейин сурпдан тикилган кичикроқ халтачани қўлига олиб, ичини кўрсатди. Унда ҳақиқатан ҳам ҳеч нарса йўқ эди. Сўнг бўм-бўш қўлини халтага тиқиб, товуқ тухумларини олиб кўрсатди. Бу қандай мўъжиза деб тургандик, бир маҳал ярим метр чамасидаги таёқчани бизга тутиб, унинг икки чеккасидан ушлаб туришни таклиф этди. Ўзи эса сайёҳ аёллардан бирининг бармоғидаги олтин узукни илтимос қилиб олиб, ўлчами тахминан 70х70 см. келадиган чит рўмол орасига «яширди».

Рўмолни эса менинг қўлимдаги таёқчага айлантириб ўради, сўнгра рўмолчани таёқчадан сидириб тортиб олди... Не кўз билан кўрайликки, олтин узук таёқчага тақилган ҳолда пириллаб айланиб турарди. Мен бу сирли ҳодисани қайтадан намойиш қилиб кўрсатишни илтимос қилдим. Атрофимдаги сайёҳлар ҳам фикримни қувватлашди. У бутун жараённи яна қайта кўрсатди, рўмол орасидаги узук яна таёқчада пириллаб айланар эди...

Ҳиндистонда сеҳргарлар қадим замонлардан бери томошабинларга хилма-хил «ҳунар»лар кўрсатиб, уларнинг олқишига сазовор бўлиб келадилар. Чандр Саркор машҳур сеҳргарлардан бири бўлиб, Ҳиндистонда донг таратган. Саркор 1946 йилда Бангалда туғилган. Унинг рафиқаси Жаяшри - ҳинд рақсларини маҳорат билан ижро этувчи истеъдодли санъаткор бўлиб эрининг дастурларида иштирок этади. 9-10 ёшли қизи - Манека ҳам ота-онаси билан саҳнага чиқади.

Саркорнинг бобокалонлариям сеҳргар бўлишган. Унинг бобоси Кришна Чандр Дев сеҳргарлар сулоласига асос солган. Кришна Чандр Дев подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг абираси Жаҳонгиршоҳ саройида хизмат қилган, ўз ҳунарларини кўрсатиб обрў қозонган. Жаҳонгиршоҳнинг «Жаҳонгирнома» китобида шундай сатрлар бор: «Банголлик сеҳргарларнинг ҳунарлари бизларни қойил қолдириб, мафтун этди. Улар арқон билан турли ўйинлар кўрсатиб, кичик кўзачадан битмас-туганмас сув қуйиб, кўзбоғлагичлик қилдилар, қўлларида ғойибдан қушлар пайдо бўлди...»

Сеҳргарларнинг ҳунарига тан берган Жаҳонгиршоҳ Кришна Чандр Девга олтин тангалар ҳадя этиб, Банголдаги Ситиграм қишлоғини унинг мулки, деб фармон берган.

Аврангзебшоҳ даврида санъатга эътибор сусайди, сеҳргарларга «жодугар» деб қаралиб, улар фаолиятига чек қўйилди. Яхшиямки бу ҳол узоққа бормади. Саркорнинг отаси ўғлидаги қобилиятини ва ҳавасини сезиб, унга сеҳргарлик санъатининг сирларини ўргата бошлади.

Отасидан кейин Саркор ўз гуруҳини тузди ва қизиқарли дастури билан Ҳиндистонга, кейинчалик эса дунёга танилди. У 1964 йилда Париж сеҳргарлар уюшмаси, 1965 йилда эса Бразилия сеҳргарлар жамиятининг шаҳодатномаларига сазовор бўлди. Саркор Японияда 21 марта, АҚШда 7 марта, шунингдек Россия, Франция, Олмония, Испания, Голландия ва Португалияда бир неча бор бўлиб, ўз маҳоратини намойиш этган.

Саркорнинг дастурлари жуда бой, хилма-хил, бири иккинчисига ўхшамайди. Масалан: «Филот» дастурида саҳнада томошабинлар кўз ўнгида жонли фил боласи бир неча дақиқа мобайнида кишнаб турган отга, «Шайхнинг туши»да от туяга, «Заҳарли қиз» дастурида бўғма илон гўзал қизга, «Даҳшатли гўзал» дастурида наъра тортиб турган шер мафтункор аёлга айланиб қолади.

«Инсон-бомба» томошасида Саркорни динамит қўйилган пўлат сандиқ (сейф) ичига қамаб, уни қулфлаб қўйишади. Бир неча ўн дақиқадан кейин Саркор сейф ичидан (қулф ва эшикни очмай) ташқарига чиқиб олади. У чиққан заҳоти динамит портлайди...

Саркор ўз дастурларини намойиш этиш жараёнида -120 дақиқа давомида 48 тонна оғирликдаги турли асбоб-ускуналар, 500 дан зиёд хилма-хил кийимдан, энг сўнгги ва ажойиб воситалар, ҳатто лазер тизимидан ҳам фойдаланади. Унинг ўйинларида 35 нафар ёрдамчилар ва 12 нафар қизлар иштирок этадилар. Саҳнада 50 дан зиёд хилма-хил «мўъжизалар» намойиш этилади.

«Индия» журналининг 1985 йил 4-сонида берилган маълумотга қараганда, Саркор 1980 йилда инсон ақли бовар қилмайдиган даражадаги антиқа сеҳргарлиги билан жаҳонни лол қолдирган. Бунинг тафсилоти қуйидагича: Саркорни ёғоч қути ичига жойлашган. Қути билан бирга уни пўлат сандиқ (сейф) ичига солиб, устидан қулфлашган. Саркор солинган пўлат сейфни арқонлар билан ўраб боғлашган ва сейфни вертолёт ёрдамида 30 метр баландликка кўтариб, Ҳинд уммонига ташлаб юборишган. Сейф ичидаги бандга солинган Саркор билан бирга уммон қаърига чўкиб кетган...

Орадан 40 сония вақт ўтгач, Саркор уммон остидан сув юзасига, табассум билан сузиб чиққан. Уммон остидаги пўлат сейф қуруқликка чиқарилиб, текшириб кўрилганда, қутининг барча муҳрларига қўл теккизилмаган, пўлат сейф қулфи эса очилмаган экан.

Мана, буни сеҳргарлик деса бўлади!

Мирортуқ МИРАБДУЛЛОҲ ўғли.

Ўқинг: фойдали!

«БИОМАГ» МЎЪЖИЗАСИ

Сизга ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган сирни фақат қадимги Хитой императори саройида хизмат қилувчи табиблargina билишган. Инсон танасидаги минглаб нуқталарга таъсир этиб, кўпгина хасталикларнинг олдини олиш ёки даволаш мумкинлигини фақат улargina билишарди. Бу нуқталарнинг энг кўп қисми қулоқ чиғаноғи, кўл ва оёқ кафтларида жойлашган бўларкан.

Масалан, оёқ яланг юрганда, биз тупроқдан ҳаётий куч-қувват олиб, бутун танамизни чиниқтирар эканмиз. Қадимги Римда 25 ёшгача бўлган аҳолига пойабзал кийиб юриш бежиз ман этилмаган чоғи. Биз-чи? Ўзимизга қулайлик қидириб, ерда фақат резина тагчармли пойабзалда юрамиз. Натижа эса сира ҳам қувонарли эмас — тез ҳориб-чарчаймиз, тез-тез касалликка чалинамиз, қисқа умр кўрамиз.

Табиат билан йўқотилган бевосита алоқаларни қандай тиклаш мумкин?

Қарангки, бунинг учун пойабзалимизга «Биомаг» магнит-массажли патак қўйишнинг ўзигина кифоя қиларкан. Унинг эластик тишлари ва митти магнит шарчалари яланг оёқ ерни босгандаги натижани беради. Улар оёқларимиздан чарчоқни олади, куч-қувват бағишлайди, юрак-қон босими ва ишини барқарорлаштиради, инсоннинг хасталикларига қарши кураш қобилиятини ошириб, улардан ҳимоя қилади.

Агар буни олдиндан билганимизда қанчадан-қанча касалликларнинг олди олинган бўлармиди?! «Биомаг»нинг ёрдамида ўз саломатликларини тиклаган одамлардан келаётган кўплаб хатлар унинг шифобахш кучидан далолат бериб турибди. Ҳеч шубҳасиз, биомагнит патаклар аскарга ҳам, олимга ҳам, уй бекасига ҳам — ҳаммаҳаммага фойдали.

Ҳозир биомагнит патаклар Москвада дорихоналарда сотиляпти. Балки у бизнинг мамлакатимизга ҳам етиб келар. Тиббиётдаги тадбиркорларимиз нима дейишаркин?

«ТРУД» материали асосида.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

Инсоннинг ижтимоий тараққиёт ҳақидаги тушунчаси, юқори даражадаги санитария-гигиеник ва жисмоний маданиятни англатади. Бунга дам олишн оқилона ташкил қилиш, илмий асосланган овқатланиш тизими, оқилона эҳтиёжни шакллантириш ҳам киради. Яна бунга ўзини ҳар хил ҳолатда ҳам тута билиш, ўз соғлиги учун ўз олдида, яқинлари ва жамият олдида жавобгарлик масъулияти ҳам киради. Соғломлаштириш тамойиллари ва қоидалари ҳар бир кишининг доимий одатига, табиий аҳлоқ нормаларига айланиб боришига эришиш жамиятимиз олдидаги муҳим вазифалардандир. Шу жиҳатдан гигиеник таълимотни такомиллаштириш ва аҳолини тарбиялаш фақат тиббиёт ходимларининггина эмас балки барча тарбия ўчоқларининг, ҳар бир раҳбарни ҳам вазифасидир. Янги демократик мустақил жамиятимиз фуқаросини шакллантиришни ёппасига юксак санитария маданиятини эгалламай туриб тасаввур этиш қийин. Шунинг учун соғлом турмуш тарзини шакллантириш ташвиқоти, ривожланган мамлакатлар талаблари даражасида бўлмоғи даркор.

Ҳозирги замонда, иқтисодий тараққий этган мамлакатлар аҳолиси ўртасида юқумли бўлмаган сурункали касалликлар биринчи ўринни эгаллайди. Бунга сабаб, нотўғри гигиеник хулқ ва нотўғри ҳаёт кечиришдир. Одамлар ўз соғлиқларига бепарво бўлишлари натижасида кўп касалликларга дучор бўладилар. Чекиш-юракнинг ишемик касалликларга, ўпка раки ва бошқа аъзолар хасталигига олиб келади. Семириш ишемик касалликлар, қандли диабет ва бошқа касалликларни келтириб чиқариши маълум.

Айрим хасталикларнинг бевақт ўлим билан тугашининг асосий сабаби - инсоннинг ҳаёт кечириш тарзи ва ўз соғлигига бепарволигидир. Аҳоли соғлигининг асоси кўп жиҳатдан уларнинг шахсий ҳаёт (турмуш) тарзига боғлиқдир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг таъкидлашича, соғлиқни сақлашда аҳолининг ўзи фаол иштирок этган тақдирдагина, уларнинг саломатлик даражасини оширишда муваффақиятга эришиш мумкин.

Дастлабки профилактика тушунчаси остида аниқ инсон фаолияти ётади ва уни қуйидагича таърифлаш мумкин: Давлат ижтимоий гигиеник тадбирлари, ҳар бир инсоннинг шахсий хатти-ҳаракатлари тизими, соғлиқни сақлашга атроф-муҳитнинг таъсири инсон ҳаёт тарзи ва ёмон одатларни тарк этишга қаратилган тадбирларнинг бир бутун мажмуи дастлабки профилактика демакдир. Демак, хулоса шуки, саломатлик фақатгина табиий, ирсий, биологик омиллар билангина эмас, аввало, ижтимоий шарт-шароитлар ва айниқса, аҳолининг турмуш тарзига ҳам боғлиқдир.

Киши соғлигига салбий таъсир этувчи турмушдаги ёмон одатларни (спиртли ичимликларни ичиш, дам олишни тўғри ташкил эта олмаслик, чекиш, ўзини-ўзи дори билан даволаш, тўғри овқатлана билмаслик, гиподинамия-кам ҳаракатлилик ва ҳоказо) носоғлом турмуш тарзи деб аташади.

Социологларнинг фикрича турмуш тарзи тўртта категория билан белгиланади: 1.Ҳаёт турмуш даражаси (савияси),2. Турмуш тартиби (тузуми). 3. Ҳаёт услуби (услуби). 4. Ҳаёт сифати.

Турмуш даражаси деганда аҳолининг моддий фаровонлик даражаси тушунилади. Турмуш тартиби эса инсонларнинг ҳаётий фаолияти (қишлоқ ва шаҳардаги ҳаёт тарзи дейиш мумкин.

Турмуш услубига шахсий аҳлоқ одобнинг жиҳатлари киради.

Турмуш сифати-яшаш, овқатланиш, маиший турмуш меъёрини ўз ичига оладиган тушунчадир.

Бизда тез-тез «турмуш фаровонлигини ошириш» деган иборани, фақатгина аҳоли даромадининг ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг ўсишини назарда тутган ҳолда изоҳлайдилар. Ҳақиқатда эса, турмуш меъёри тушунчаси анча кенг ва бойроқ маънога эгадир. Бунга яна одамлар онгининг ва маданиятининг тинмай ўсиши, маиший турмуш маданияти, аҳлоқ-одоб ва ақлий истеъмол маданияти рационал овқатланиши ҳам киради.

Соғлом турмуш тарзи бу одамнинг фақатгина ўз соғлигини сақлашга мўлжалланган ҳаёт фаолияти эмас, балки ўзи яшаётган жамиятга фойда келтириш мақсадида ижтимоий ва шахсий фаоллигини намоён қилишнинг турли формалари ҳамдир.

Инсон биосоциал мавжудотдир. У «икки дунёда», яъни ҳам ижтимоий, ҳам биологик дунёда яшайди. Инсоннинг нотўғри ҳаёт кечириши биологик узилишларга олиб келиши мумкин. Қадим замонлардан буён табобат аҳолининг соғлигини унинг ҳаёт кечириш тарзи билан боғлаган.

Саломатлик кодексининг фарзлари-Аристотель, Гиппократ, Демокрит, Муҳаммад, Абу Али ибн Синоларнинг фикрлари ва тавсиялари ҳозирги кунда ҳам ўз қадрини йўқотмаган.

Яхши жисмоний аҳвол ва узоқ умр кечириш имкони ҳисобланган шарт-шароитлар қуйидагича:

1. Ҳар куни 7-8 соат ухлаш.
2. Ҳар куни маълум бир вақтда 3 марта, ҳаддан ташқари тўйиб кетмасдан овқатланиш.
3. Эрталабки нонушталарга риоя қилиш.
4. Ўртача вазнни сақлаш.
5. Алкоголик ичимликлардан имкони борича узоқроқ бўлиш.
6. Ҳар кунги жисмоний машқлар.
7. Чекишдан сақланиш.

Америкалик тиббий олимларнинг маълумотига қараганда, бу қоидаларга амал қилган кишиларнинг соғлиги ўзлардан 30 ёш кичик бўлгану, аммо режимга амал қилмайдиган кишиларнинг соғлиқ даражасига тенгдир.

А.УСМОНХЎЖАЕВ.

Абсалом қизиқ ҳангомаларидан

ҚИЗИҚЧИНИНГ ДЎСТЛАРИ

Худо раҳмат қилгур Раҳим гармон бозорда Абсалом қизиқни учратиб қолганидан севиниб:

-Сизни кўрганим нур устига аъло нур бўлди,-деб қолди.

-Хўш-хўш, нимага энди?!

-Дўстингиз Абдуғани излаб юрувди.

-Қайси Абдуғани?-дея талмовсиради Абсалом.

-Ошнангиз Абдуғани Абдуғофуров бор-ку, театримизнинг директори.

-Эслолмаяпман,-елкасини қисди Абсалом.

-Маҳсум аканинг ўғли.

-Дунёда Маҳсумлар кўп...

Раҳим гармон унга борган сари куйиниб тушунтиришга ҳаракат қилар ва ўз навбатида Абсалом қизиқ «Қайси дўстим экан» дея асло пинагини бузмас эди. Шу аснода ўта қийин аҳволда қолган Раҳимжон акани зимдан кузатиб турган Абсалом афанди чўнтагидан бир даста пулни чиқариб:

-Менинг ишонган дўстларим мана булар,-дея қаҳ-қаҳ, отиб ўртага чўккан ғуборни тарқатиб юборди.

ЗУЛУМБОЙГА «ЗУЛУМ» БЎЛДИ

Зулумбой чарxчининг иши тиғиз. Пичоқ, арра кўтарган мижозларининг охири кўринмайди. Битта гап ортиқча, иккита гап камлигини пайқаган Абсалом қизиқ навбатда турганларга кулгу улашиш ниятида чархчига қўндаланг бўлди.

-Ассалому алайкум.

-Келинг, Афандим,-деб қолди Зулумбой кўзини чархдан узмай,

-Хўш, хизмат?

-Чалавзорни бироз тиғлаб бер, ука.

-Икки сўм!..

Абсалом ака пинагини бузмай чалавзор билан бир сўмликни узатди.

-Қулоғингиз том битганми, Афандим? Яна бир сўм чўзинг.

-Чалавзорнинг бир томонини чархласангиз бўлади,-деди Абсалом ака.

Ўртада енгил кулгу кўтарилди. Зулумбой чархчи хандон отганича Афандининг пулини ўзига қайтариб, пичоқни бепул чархлаб берди.

Турсунбой АДАШБОЕВ.

Коллекционер ён дафтаридан

ЯКШАНБА БОЗОРИ ТАРИХИГА НАЗАР

Борис Анатольевич Голендер — Тошкент Давлат университетини битирган, кимё фанлари номзоди, 60 дан ортиқ илмий ишлар ва ихтиролар муаллифи. Журналист сифатида кўпларга маълум. Ўзбекистон телевидениесида фаол қатнашиб туради. 1994 йилдан буён эфир орқали доимий равишда кўрсатилаётган «Менинг кўчам» деб номланган оммавий, ўлкашуносликка доир телекўрсатувнинг муаллифидир. Б. А. Голендер Тошкент тарихига бағишланган туркум материалларни тайёрлаб, газетамизга ҳавола этди. Бугун ана шу туркумдан унинг биринчи мақоласини эълон қилаяпмиз.

ИЛГАРИГИ Тошкентда театр залларининг камлиги доимо сезилиб турарди. Ҳаваскорлар, шунингдек профессонал актёрлар жамоалари яратган спектакллар деярли бир аср мобайнида театр учун мослашмаган биноларда кўрсатиб келинган. Дастлаб Тошкент биржаси биносида (ҳозирги Санъат музейи жойлашган ерда), кейинчалик эса Жамоат Мажлиси биносида (тошкентликлар хотирасига бағишланган машҳур «ўттизинчи» — Машраб номли кинотеатрда) ва ниҳоят «колизей»нинг томоша залида спектакллар қўйиларди. «Колизей» 1913 йили ёғочдан ишланган цирк биноси асосида қайта қурилган, инқилобдан сўнг унга «Я. М. Свердлов номли театр» номи берилган.

30-йилларга келиб Тошкентда ҳақиқий Катта театр қурилиши бошлаб юборилди. Шуни айтиш кераккки, тошкентда академик театр қуриш бўйича бир неча лойиҳалар тайёрланган. Узоқ давом этган баҳслардан сўнг 1934 йилда экспертлар академик А. В. Шусев лойиҳасини танлаб олишди. Алексей Викторович Шусев ўша пайтларда 60 дан ошган эди. У Москва Қизил майдонида қад кўтарган Мақбара муаллифи сифатида катта обрў қозонган эди, шу боис у шон-шуҳрат оғушида бемалол юриши мумкин эди. аммо у ижодий кучқуввати битмас-туганмас инсонлардан бири эди. Шусев 30-йилларда бошланиб кетган барча энг йирик меъморчилик қурилишларида фаол қатнашди. Ўша узоқ йиллардаёқ тақдир А. В. Шусевни бизнинг қадимий шаҳримиз билан абадий боғлади. Фикримча, бу воқеа тасодифий бўлмаганди. Бир вақтлар, Санъат академиясининг талабаси бўлган йилларда у Туркистон ўлкасига келиб, юртимизни севиб қолди. Самарқанд шаҳридаги Амир Темур мақбараси унда айниқса катта таассурот қолдирди. У ана шу мақбарага қараб, махсус топшириқ бўйича ажойиб чизгилар қилди.

Ниҳоят, Тошкентнинг янги шаҳар қисмининг қоқ марказида А. В. Шусев лойиҳаси асосида театр қуришга қарор қилинди. Бу ерда илгари машҳур Якшанба бозори бўларди. Тўрт бурчак шаклидаги ва тўрт томони кўчалар билан ўралган (ҳозир бу кўчалар М. К. Отатурк, «Правда Востока», Ўзбекистон, Шароф Рашидов номлари билан аталади) 7 гектардан иборат майдон ўтган асрнинг 60-йиллари охирида вужудга келган ва у чайқов бозори сифатида шуҳрат қозонган. Йиллар ўтган сайин бозор атрофида бир қаватли ва тартибсиз қурилган бинолар: расталар, дўконлар, омборлар қад кўтара бошлади. Ана шу кўримсиз бинолар, кўпдан-кўп савдо дўконлари орасида татар масжидининг кўкка бўй чўзган, баланд минорасигина кўзга ташланиб турарди. Масжид 1883 йили қорамти-бўз ранг ғиштдан, ўтган аср Туркистон меъморчилик санъатига хос услубда ишланган эди.

1940 йил 1 сентябрида театр биноси қурилиши илгари мўлжалланган жойга унинг пойдевори қўйилди. Бироқ, театр қурилиши унчалик чўзиб юборилмади. Уруш бошланганида бу иш тўхтатиб қўйилди, албатта. 1943 йилга келиб аввалги Якшанба бозори майдонида яна қурувчилар пайдо бўлди. Тошкентнинг қоқ марказида ҳашаматли, улкан бино қад кўтара бошлади. Урушдан сўнг ишлар жўнашиб кетди.

1947 йил ноябрь ойида Тошкентда Давлат академик театрининг тантанали равишда очилиши маросими бўлди. Бу ажойиб бино жаҳонга машҳур меъморнинг ижодий маҳсули сифатида шаҳримизнинг диққатга сазовор иншоотлари қаторидан жой олди. У урушдан сўнгги, янги Тошкентнинг меъморий рамзига айланди, шаҳар меъморчилик ансамблининг кўрки бўлиб қолди. 1948 йилда театрга Алишер Навоий номи берилди.

Навоий театри — қурилиш санъатининг ўзига хос, ажойиб музейидир. Унинг ички ва ташқи безакларини ишлаш учун ўз касбининг моҳир усталари жалб қилинди. Меъморчилик санъатининг бу ноёб обидасини барпо этишда ана шу қўли гул усталар беқиёс маҳорат кўрсатдилар. Навоий театридаги асосий ишларни тошкентлик кекса ганч устаси Тошпўлат Арслонқулов бажарди. Афсуски, унинг номи ҳали кўпларга маълум эмас.

Т. Арслонқулов — усталар авлодидан. У ўтган асрда болалик чоғидаёқ отаси бошлиқ бригада таркибида Тошкент биноларини пардозлашда қатнашган. Айтиш мумкинки, шаҳримизда кейинги юз йил мобайнида бунёд этилган меъморий ёдгорликлар аксариятининг яхши ҳолатда сақланишида унинг ҳиссаси бор, албатта. Жумладан, А. Половцов уйи(ҳозирги амалий санъат музейи), Биховский уйи (Ёзувчилар уюшмаси), Азов-Дон банки эски шаҳардаги халқ уйи (А. Ҳидоятов театри), Тошкент вилоят ижроия қўмитаси биноси (ҳозирги ёш томошабинлар театри) ва бошқаларни безашда қатнашган.

Навоий театри — халқ устаси Т. Арслонқулов ижодининг чўққисидир. У театр фойесининг Тошкент залини тўла-тўкис қўлдан чиқарди: унинг деворларини анъанавий «мажнун тол» услубида гўзал нақшлар билан безади, осма гилам-палак тасвирини ганчдан ўйиб ишлади, ганч ёрдамида бетакрор қандиллар ясади. Бундан ташқари, Тошпўлат уста томоша залини, фойе ва вестибюлни нақшлар билан безашда ҳам катта маҳорат кўрсатди.

Навоий театрини безашда фаол қатнашган бошқа усталарни ҳам ҳурмат билан тилга олиш даркор. Булар орасида бухорлик кекса ганчкор академик Уста Ширин Муродов (Бухоро залининг ижодкори), ўша вақтлардаги ёш рассом Чингиз Аҳмаров маҳоратига алоҳида таҳсинлар айтса арзийди. Ч. Аҳмаровнинг улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий достонлари мотивида ишлаган ажойиб тасвирлари ҳамон театр ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

Театр биносини барпо этган ижодий жамоанинг самарали меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Кўпгина ижодкорлар ҳукуматнинг олий мукофотларига сазовор бўлдилар.

Ҳашаматли бино 1966 йилдаги зилзилага бардош бериб, ўзига хос синовдан ҳам ўтди.

Навоий театри Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор ёдгорликларидан бири сифатида бугунги кунда ҳам савлат тўкиб турибди. Театр тарихи юртимизнинг, жонажон Тошкентимизнинг тарихи билан чамбарчас боғланган. Унинг бетакрор ҳусни-жамолига, лол қолдирувчи гўзал нақшларига тикилиб, тўймайсан киши...

Б. ГОЛЕНДЕР.

ЯНГИ ГУЗАРЛАР

Учқўрғон тумани қишлоқлари тобора жамол очмоқда. Чунончи, Яшиққайки, Қуғай қишлоқларида, шунингдек, Улуғбек хўжалигида янги гузарлар барпо этилди. Ушбу гузарларда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган барча қулайликлар яратиляпти. Қишлоқ кишилари эндиликда ҳунармандлик билан битадиган кундалик эҳтиёжларини қондириш учун туман марказига овора бўлиб қатнамайдиган бўлишди.

Шунингдек, яқинда Каттамурол, Қуғай қишлоқларига 17 чақиримлик узунликдаги қувурлар тортилди. Шу тариқа туманнинг деярлик 90 фоиз аҳолиси ичимлик суви билан таъминланди.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Дейдилар, ўзбекнинг юртига ярашар баҳор,
Дейдилар-ки, гул ярашар, ярашар офтоб.
Аммо менинг диёримни қучса оппоқ қор,
Рашкдин ҳатто гўзаллик ҳам айлармиш хитоб...

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

САВДО УЙИ ДИЁР TRADING HOUSE

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкентдаги «Диёр» савдо уйи хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган меҳмонхона ва ётоқхона жиҳозларини, жумладан, кроват, стол-стуллар, горка (жавон)ларни, диван ва креслоларни, махсус офис мебелларини;

Турли хил нафис газламаларни;

Электр жиҳозларини савдога чиқаради.

Харид қилишга шошилинг, молларимиз унча қиммат эмас.

Савдо уйининг 1-магазини жойлашган манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси 30-«а» уй.

Телефонлар: (3712) 55-14-84, 54-19-87.

ГУЛ ЎСТИРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкентдаги «Ирода» тижорат ишлаб чиқариш фирмаси чинни (гвоздика) гулининг сифатли кўчатларини голландиядан келтириб беришга буюртмалар қабул қилади. Буюртма тўрт ҳафта ичида бажарилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 100-уй.
Телефонлар:
(3712) 34-25-66,
35-86-72, 35-24-10.

ДУШАНБА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ҳафтанома».
8.00—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 9-қисм.
9.15 «Италия таассуротлари». 1-кўрсатув.
9.40 «Қуёшдан нур эмган диёр».
10.10 «Минтақа кино санъати». Марказий Осиё кино ижодкорларининг семинари.
10.40 «Анъана ва замон». Наманган ёри.
11.10 «Кема уч соат туради». Бадиий фильм.
12.25 Лирик концерт.
12.55—14.05 «Кулойим». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
Публицистик кўрсатувлар дастури:
18.10 1. «Юксалиш».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 2. «Биржа ва банк хабарлари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 3. «Вақт хиёбонида».
21.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 10-қисм.
22.10 «Вақт хиёбонида» туркум кўрсатувининг давоми.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—00.20 «Қўшиқ шайдоларига». Жўрахон Раҳимов куйлайди.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.45 «Палитра».
19.15 ТВ II намойиш этади.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Мўъжиза». Дэвид Копперфильд.
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Курьер».
21.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.25 ТВ II намойиш этади.
21.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.45—23.30 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Муҳаббат». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.20 — 21.40
*
Россия давлат телевидениеси
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 00.05 «Шоҳсупа сари».

IV

17.05 «Кўзмунчоқ».
17.35 «Тошкент халқаро мактаби».
17.55 «Батилиман». Телефильм.
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультикарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Тафсилот».
20.15 «Янги иқтисод».
20.50 «Салом, Франция!».
21.25 Замонавий камер куйларидан концерт.
21.55 Эълонлар.
22.00 «СПОРТ-ТАЙМ».
22.30 «Ер» сайёраси.
23.10 — 23.40 «Тақдирлар».

СЕШАНБА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 10-қисм.
9.10 «Ҳаёт мазмуни». Кинодастур.
9.55 Эстрада тароналари.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Информатика.
11.00 Немис тили.
11.30 Адабиёт.
*
12.00 «Эъзоз».
12.35 Болалар учун. «Умид учқунлари».
13.05 «Кашф этилаётган имкониятлар». Қишлоқларимиз келажаги кичик корхоналарда.
13.30—14.55 «Аэлита, эркакларга суйкалма». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Синфдош».
18.40 Футбол шарҳи.
18.55 «Бугунги Европа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Кеча ва бугун».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Янграсин шўх яллалар».
21.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 11-қисм.
22.15 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Толиб Каримов.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—00.25 «Олам ва одам».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 ТВ II намойиш этади.
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Бизнес-уик».
20.05 «Мусиқий йўлка».
20.15 «АРТ — журнал».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Видеогид».
21.15 Эълонлар.
21.20 «Кинонигоҳ».
23.00—24.00 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Машинист Маъруповнинг иш куни». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00
***
18.20 — 21.40
*
Россия давлат телевидениеси
21.30 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.50 «Бу ажиб дунё».

IV

17.05 «Иштирок этувчилар». Санъат арбоблари ҳақида кўрсатув.
17.35 «Дўстлик чегара билмайди».
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультикарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.10 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.
22.10 Эълонлар.
22.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.15 — 00.05 «Кинематограф».

ЧОРШАНБА, 31

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 11-қисм.
9.15 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Толиб Каримов.
10.25 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Севги рақси».
Ўқув машғулотлари:
10.30 Умумий биология.
11.00 Алифбо сабоқлари.
11.30 Ўзбекистон тарихи.
*
12.00 «Камондаги қалб». Мусиқий дастур.

Ойнаи жаҳонда

12.25 «Ғалати гаров». Бадиий фильм.
13.40—15.40 «Бешинчи давон». Видеоканал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ўйинқароқ болалар». Мультфильм.
18.20 Спорт хабарномаси.
18.35 «Фермер». Ўрта Чирчиқ туманидаги «Машъал» фермер хўжалиги.
18.50 «Санъат олами». Рассом Муборак Йўлдошев.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Р. Мадатов. «Уч оғайни ботирлар». Телеочерк.
21.25 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 12-қисм.
22.10 Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
22.50 Ўзбек телесериали: Режа ва муаммолар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—00.30 «Ёшлар билан юзма-юз». Илк туйғулар...

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 ТВ II намойиш этади.
18.40 «Кулгига нима етсин!». Ҳажвий кўрсатув.
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Компьютер—Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
21.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55—23.55 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Доктор Гелиос», «Бешик тўй». Телефильмлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00
***
18.20 — 21.40
*
Россия давлат телевидениеси
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 24.00 «Минтақа кино санъати». Марказий Осиё кино ижодкорларининг семинари.

IV

17.05 «Дунё ва болалар».
17.35 «Кобзар йўллари», «Қишлоқда ўтган болалик». Телефильмлар.
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультикарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Гули Ҳамроева таклиф этади...». Ўзбекистон халқ артисти ижодий кечаси. «Туркистон» саройидан ёзиб олинган.
21.00 «Кимга қанақа?».
21.45 «Тошкент оқшоми».
22.45 Эълонлар.
22.50 — 00.15 «Телбалик оқибати». Бадиий фильм.

ПАЙШАНБА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 12-қисм.
9.15 «Маҳалламиз болалари».
10.10 «Анъаналар этади давом...». Мусиқий дастур.
10.40 «Ўқитувчилар, Сизлар учун».
11.10 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Шайхонтоҳур».
11.30 Инглиз тили.
12.00 «Соғломжон-полвонжон». Жиззах ва Чирчиқ шаҳар болга болаларининг спорт ўйинлари.
12.45—14.05 «Нотаниш ворис». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эски уй соҳиблари». Мультфильм.
18.20 Э. Неъматов. «Бахмал тонглари». Телеочерк.
18.55 «Фан уфқлари».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Юзма-юз».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Инсон ва қонун».
21.25 Рамазон қўшиқлари.
21.35 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 13-қисм.
22.15 Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов куйлайди.
22.55 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Моваруннаҳр».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—00.50 «Ўхшаш чеҳралар».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Автосалон».
20.10 «Хай-Фай» («Юқори сифат»).
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Сизнинг услуб».
21.10 «Жаҳон киноси юлдузлари».
21.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 —00.40 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 Телефильмлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00
***
18.20 — 21.40
*
Россия давлат телевидениеси
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.45 «Тет-а-тет». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Галина Мельникова.

IV

17.05 «Рок-сеанс».
17.40 «Бола йўқолди». Телевизион бадиий фильм.
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультикарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 Эълонлар.
20.55 «Кинематограф».
22.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.25 — 23.55 «Бу бўстон аро...».

ЖУМА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 13-қисм.
9.10 Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов куйлайди.
9.50 «Ўхшаш чеҳралар».
10.50 Болалар учун. «Қизиқарли учрашувлар».
11.20 Немис тили.
11.50 «Аскар мактублари».
12.20—13.30 «Ўз ихтиёри билан». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Буюк ёпилиш». Мультфильм.
18.20 «Табиат шайдолари».
18.50 Мусиқий дақиқалар.
19.05 «Елкин».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ҳаёт ва қонун».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Акс-садо». Қуддус Аъзамовнинг муаллифлик кўрсатуви.
21.35 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 14-қисм.
22.15 «Ҳофизлар хониш қилганда».
22.45 «Юлдузлар ёғдуси». Спорт дастури.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—01.00 «Зиёбахш умр». Бўрибой Аҳмедов.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ривоят».
18.20 «Жума тақвими».
18.25 «Дунё харитаси». Жанубий Африка Республикаси.
18.45 «Эртага — шанба».
19.00 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «RAKS» қўшиқлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Тасвир».
21.20 «Таманно».
21.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.50 — 22.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Абу Али ибн Сино». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00
***
18.20 — 21.40
*
Россия давлат телевидениеси
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 24.00 «Карнай навоси». Телефильм.

IV

17.05 «Алан». Фильм-концерт.
17.45 «Тоғ ўлкаси». Телефильм.
17.55 «Китоб растаси».
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультикарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Афғон тупроғидан қайтган баҳодирлар». Афғонистондан қўшинлар олиб чиқиб кетилганлигининг 7 йиллигига бағишланган кўрсатув.
20.40 «Мусиқий меҳмонхона».
21.20 «Бизнес-академия».
21.45 Эълонлар.
21.50 «Кайфият». Дам олиш дастури.
22.30 — 00.10 «Менинг охирги тангоим». Бадиий фильм.

ШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 14-қисм.
9.10 «Замон».
9.25 «Қалб қаноти». Ёқубжон Шукуров.
9.55 «Нафосат». Кинодастур.
10.35 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
11.10 «Халқ ижодиёти».
11.40 «Юлдузлар ёғдуси». Спорт дастури.
12.20 «Тараннум». Мусиқий дастур.
12.50—14.00 «Маҳбубим, азизим, суюклигим, ёлғизим». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Буғдойзордаги уйча». Мультфильм.
18.15 Спорт хабарномаси.
18.25 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Оқшом эртаклари.
20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Санъат усталарининг концерти.
21.35 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 15-қисм.
22.15 «Обид-А» театри билан учрашув.
23.15 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.25 «Автосалон».
9.45 «Хай-Фай» («Юқори сифат»).
10.00 «Сизнинг услуб».
10.15 Жаҳон киноси юлдузлари.
10.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.05 «Кинонигоҳ».
12.45—13.45 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».
***
18.00 «Совға».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Олам».
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Ишингиз бароридан келсин!»
20.05 «Имкон чўққилари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Кўнгил». Дилшод Шамсиннинг муаллифлик кўрсатуви.
21.20 Видео янгиликлари.
21.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.00 — 23.40 Видео— «О».

III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Доира оҳангида». Фильм-концерт.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.20 — 21.40
*
Россия давлат телевидениеси
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 — 24.00 «Халқ куйларини қалбингда сақла». Телефильм.

IV

10.00 «Олтин калитча». Болалар учун фильм.
11.20 Эълонлар.
11.25 «Безнен мирас» (татар тилида).
12.05 «Тадбиркорлар мактаби».
12.30 «Турналар». Телефильм.
13.00 — 14.25 «Қора ўқ». Бадиий фильм.
***
17.00 «Ўғирлик». Бадиий фильм. 1-серия.
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Телеташриф».
21.10 «Бугунги Европа».
21.30 «5+1». Артист М. Холмедов билан мулоқот.
22.00 «Олам ва одам».
22.35 — 23.05 «Янги технология дўкони». Янги компьютер технологияси.

ЯКШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 15-қисм.
9.10 «Шоҳруҳ» клуби.
9.40 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
12.30 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
13.30 «Ташриф». Дам олиш дастури.
14.00 «Цирк! Цирк! Цирк!».
14.45 — 16.15 «Қўрқувнинг давоси». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.40 «Хазина».
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Италия таассуротлари». 2-кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 16-қисм.
21.50 «Тимсол» видеоканали.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00—00.50 «Якшанба оқшомида».

II

9.00 «Ривоят».
9.05 «RAKS» қўшиқлари.
9.40 «Олам».
10.25 «Оҳанглар оғушида».
10.30 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
11.15 «Имкон чўққилари».
11.35 «Кўнгил».
12.00 Видео янгиликлари.
12.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.40 Видео — «О».
14.20—15.20 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».
***
18.00 «Келгуси ҳафтада».
18.10 Эълонлар.
18.15 «LEGO» сайёраси. Болалар учун дастур.
18.40 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Салом, ёшлар!».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Илҳом сатрлари».
21.10 «Фармед».
21.20 «Оҳанглар оғушида».
21.30 «Шахс ва баҳс».
21.50 «Даракчи».
22.00 «Келгуси ҳафтада».
22.10 Эълонлар.
22.15 — 23.55 Видео — «О».

III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Самарқанднинг мовий гумбазлари», «Кўқон ёдгорликлари». Телефильмлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.20 — 22.50
*
Россия давлат телевидениеси
22.50 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.50 «Панорама» (рус тилида).

IV

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.15 «Менинг кўчам...».
12.30 Эълонлар.
12.35 «Оддий мўъжиза». Телефильм.
13.20 — 14.50 «Дастлабки терговь». Бадиий фильм.
***
17.00 «Ўғирлик». Бадиий фильм. 2-серия.
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Кинематограф».
21.35 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
21.55 «Саҳий хонадонда».
22.35 «Эллада».
23.15 «Би-Би-Си» янгиликлари.
23.25 «Бу ажиб дунё».
23.45 — 23.55 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

(25 январь — 2 февраль кунлари учун)

ДАЛВ (20.01-18.02) ойида туғилганлар учун бу ҳафта оддий ўтиши кутилур. Бунда доимий ишлар билан шуғулланаверишмумкин. Шу билан бирга сафарга чиқиш, бошлиқлар қабулига кириш ва маросимлар ўтказиш ҳам ёмон бўлмайди. Мазкур кунларда оилавий дам олиш, овга чиқиш ҳам яхши натижалар берур. Ҳафта давомида ота-онани зиёрат қилиш, уларнинг хизматида бўлиш келажак ҳаёти учун кўп омадлар келтирур.

ҲУТ (21.02-21.03) ойида туғилганлар учун бу ҳафтанинг аввалги икки куни омадли, қолганлари беҳосиятроқ келиши кутилур. Шунинг учун барча режадаги ва янги ишларни мана шу аввалги кунларда бажариб олиш мақсадга мувофиқдир. Қолган кунларда эса иложи борича уйда бўлиб, болаларнинг тарбияси билан шуғулланилса ёки ўтган ишларнинг ҳисоб-китобига аҳамият берилса фойдадан холи бўлмайди.

ҲАМАЛ (21.03-21.04) ойида туғилганлар учун бу ҳафта осойишта ва ғайриоддий воқеаларсиз ўтиши кутилур.Бу кунларда доимий кундалик ишлар билан шуғулланиш, дам олиш, сафар қилишлар кўнгилдагидек ўтиши кутилур. Тўй хашамлар ўтказиш, бошлиқлар ҳузурига кириш ҳам ўйлагандай натижа келтирур. Ҳафта давомида арoқ ичиш, бузуқчилик қилишдан мутлақо тийилиш талаб этилур.

САВР (22.04-20.05) ойида туғилганлар учун бу ҳафта тўла омад ҳафтаси бўлиши кутилур. Иншоаллоҳ, бу кунларда барча юришмай турган ишлар юришиб кетур. Кўнгилдаги бўлган ваҳм ва хавф-хатарлар бархам топар. Агар сафар ният қилинса бемалол бориш лозимки, кўп неъмат ва манфаатларга эга бўлинур. Иншоаллоҳ, мазкур ҳафта барча ҳафталардан бахтли ҳаёт кечирурлар, ҳеч бир ланж ва алам кўрмаслар.

ЖАВЗО (21.05-21.06) ойида туғилганлар бу ҳафтани хурсандчилик билан ўтказишлари кутилур. Оилавий ҳаётда қувончли воқеалар содир бўлур. Шу билан барча ишхонада ҳам кўпдан орзу қилинган воқеалар юз бериши мумкин. Қўлларига катта миқдорда маблағ тушиши кутилажак. Шубҳали туюлган ишлари узил-кесил яхшилик билан ҳал бўлишига умид бор. Бу хурсандчиликларнинг барчаси мазкур ой фарзандларига маънавий пок ва ҳалолликларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

САРАТОН (22.06-22.07) ойида туғилганлар бу ҳафта ўзларининг доимий ишларини давом эттиравергандари маъқул. Аммо янги бирон иш бошлашдан наф чиқмаслиги хавфи ҳам бор. Иш юзасидан сафарга бориш ёки дам олиш, овга чиқишлар кўп манфаатли бўлур. Ҳафтада соғлиқни яхшилаш ишлари билан шуғулланиш ҳам фойдалидир. Молиявий соҳада деярли ўзгариш бўлмас, мабодо бўлиб қолса, натижали бўлур.

АСАД (23.07-23.08) ойида туғилганлар учун бу ҳафта нотинч ва хавотирли ўтиши кутилур. Шунинг учун бу кунлар давомида сафарга чиқишдан, маросимлар ўтказишдан, ҳамда бемаҳалда юришдан, яхши билмаган иши билан шуғулланишдан тўхтаб туриш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари оилада ва ишхонада ўта ширинсўз ва хушмуомала бўлиш даркор. Акс ҳолда бу жойларда катта муаммоларга сабаб бўладиган ноҳушликлар келиб чиқиши мумкин. Мазкур ҳафтада Аллоҳ Таоло буйруқларини қўлдан келганча адо қилиш мароқли , ҳафтадаги ноҳушликларнинг эса олди олинишига омил бўлади.

СУНБУЛА (23.08-22.09) ойида туғилганлар бу ҳафтада ҳоҳлаган ишлари билан шуғулланишлари мумкин. Қилаётган барча ишларида барака ва унум бўлиши эҳтимол қилинур. Бу кунларда хизмат сафарига чиқиш, бошлиқлар ҳузурида бўлиш ҳамда тўйҳашамлар ўтказиш ҳам кўнгилдагидай бўлур. Ҳафта давомида ёлғон, ўғирлик, тухмат ва бўҳтон қилишда, бировнинг мулки ёки аёлига кўз олайтиришдан қаттиқ сақланиш зарурдир.

МЕЗОН (23.09-22.10) ойида туғилганлар учун бу ҳафтанинг аввалги икки куни бироз наҳс келиши, қолганлари эса тинч давом этиши кутилур. Шунинг учун имкон қадар ҳафта бошида кўпроқ вақтни оилада ўтказилса, иншоаллоҳ, ҳаммаси яхши бўлади. Аммо, мабодо ишга бориш ёки бирор савдо билан машғул бўлиш зарурати бўлса, у ҳолда нарсаларни ўта эҳтиёткорлик билан Аллоҳдан ёрдам сўраб, ниятни тўғри қилиб, хиёнатни кўнгилга келтирмай бошлаш керак. Ҳафтанинг кейинги кунларида ҳар қандай режадаги ишларни бошлайвериш мумкин. Бу кунларда тўймаросимлар ва сафарга чиқишлар яхши ўтиши эҳтимол қилинур.

АҚРАБ (23.10-21.11) ойида туғилганлар учун бу ҳафта оддий, осойишта ўтиши кутилур. Деярли бирор катта воқеа содир бўлмайди. Бу кунларда оила билан дам олишга чиқиш, табиат қучоғида сайр этиш, қадрдон ёрубиродарлар билан бирга бўлиш жуда кўнгилли ўтиши кутилур. Бундан ташқари тўй-ҳашам ва бирор-бир маросимни ўтказишга ҳам ҳеч қандай монеъликлар йўқ. Шу билан бирга сафарга чиқиш ва ўз соғлиғига ғамхўрлик ҳам кўп маъқул ишлардандир.

ҚАВС (22.11-21.12) ойида туғилганлар учун бу ҳафта одатдагидай ўтиши кутилур. Бу кунларда кундалик доимий ишлар билан шуғулланишдан ташқари оилавий дам олишга чиқиш, балиқ овига бориш ҳам, саёҳатга чиқиш ҳам кўп маъқул бўлур. Бундан ташқари фарзандлар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор бериш зарур. Мазкур ҳафтада эр-хотин, бир-бирига хиёнат қилишдан қаттиқ ҳазар қилиш талаб этилур. Акс ҳолда тинч ўтаётган ҳафта алғов-далғов бўлиб кетиши ҳеч гап эмас.

ЖАДДИ (22.12-19.01) ойи фарзандлари учун бу ҳафтанинг аввалги ярми омадли, кейинги кунлари эса наҳс аралаш келиши кутилур. Ҳафтанинг аввалида оилада ва ишхонада ҳам маблағ соҳасида яхшигина қувончга сабаб бўладиган ҳоллар юз бериши мумкин. Бу кунларда шартномалар тузиш, савдо ишларига катта маблағлар қўшилиши ҳам, хизмат юзасидан сафарга чиқиш ва бошлиқлар қабулида бўлиш яхши натижалар берур. Аммо ҳафтанинг сўнгги кунларида иложи борича эҳтиёткорлик билан иш тутиш, атрофдагилар билан ширин муомалада бўлмоқ кўп ноҳушликларнинг олдини олур. Ҳафта давомида ота-онани зиёрат қилиш, уларнинг кўнглини овлаш ҳафта осойишталигига гаров бўлажак. Валлоҳу Аълам.

ИШОНЧ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир
Саидкром САИДВАЛИЕВ

Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89
Масъул котиб — 56-52-78

БЎЛИМЛАР

Касаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79, Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар —56-87-78, 56-87-63. Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10. Бухорода — 3-50-10. Гулистонда — 2-24-98. Жиззахда —3-82-18. Навоийда —3-41-99. Наманганда — 6-22-10. Нукусда — 2-44-46. Самарқандда — 35-64-22. Термизда — 2-70-07. Тошкентда — 56-82-79. Фарғонада — 24-48-53. Урганчда — 6-03-40. Қаршида — 5-33-71.

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр- мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулиятини муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

- Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
- Сешанба ва жума кунлари чоп этилади.
- Сотувда эркин нархда.

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

- Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

- IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди Офсет усулида босилди. Формати А-2, ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Буюртма Г- 028. Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди 22.00. Масъул навбатчи: Нодира РАШИДОВА. 1 2 3 4 5 6